БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 14 июль Шанба
№ 131 (13.567).
Баҳоси 3 тийин.

•ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ•

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 13 июлда Москвада, Кремль Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис бошланишидан олдин партия марказий раҳбар органларига сайлов юзасидан овоз берилди.

Соат 11 да ялпи мажлисни М. С. Горбачев очди. Делегатлар съезд ишини олдин белгиланган муддатга қўшимча бир кун узайтириб, уни 13 июль куни тугаллаш тўғрисида М. С. Горбачев киритган таклифга қўшилдилар.

Шундан сўнг мажлисга А. И. Лукьянов раислик қилди.

Делегатлар комиссия томонидан тақдим этилган КПСС Устави лойиҳасига тузатишларни батафсил кўриб чиқдилар. Ҳужжатнинг айрим моддалари баёнига узил-кесил аниқлик киритилгандан сўнг съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Уставини умуман тасдиқлади.

Сўнгра съезд КПСС Марказий назорат комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлади.

КПСС XXVIII съезди алоҳида қарор қабул қилиб, барча делегатларга съезд ғояларини ва қарорларини тарғиб этиш ва уни амалга оширишда фаол қатнашишни топширди.

Сўнгра съезд «КПСС оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги резолюцияни қабул қилди.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Йигитлик бурчи

ЙИГИТЛИК БУРЧИ! У нима ўзи? Қачон бошланиб, қачон тугайди? Йигитлик бурчи... Бу сўзни эшитсак, асосан ҳарбий хизматни тушунамиз.

Кеча хизматга кетган аскар йигит ҳам уйига хат ёзади: «Соғу-саломат йигитлик бурчимни ўтаб юрибман»... Қизиқ, бу бурч фақат аскарлик даври билангина чегараланадими? Йигитларимизнинг ўзлари буни қандай тушунишади?

Аскарлик... Кейинги вақтларда армиядаги муаммолар кўпчиликни ўйлантирмоқда, ҳатто ташвишга солмоқда. Ота-оналаримиз йигит ёшига етган фарзандларини энди хизматга суюниб эмас, балки кўнгил тўла хавотир билан кузатишаяпти. Шу пайтгача «армия билан халқ якдилдир» деб, баландпарвоз шиорларни айтиб хотиржам юраверган эканмиз. Лекин у ёқда эса ... Мени (қолаверса жуда кўпчиликни) қийнаб юрган саволлар кўп.

Ҳарбий хизматга чақириладиган йигитларнинг аскарияти комсомоллар. Шундай экан, ҳарбий қисмлар комсомол ташкилотлари улар билан қандай ишлар олиб бормоқда? Умуман, армия комсомол ташкилотининг вазифалари нималардан иборат. Бу ташкилот, айтайлик, вилоят ёки шаҳар комсомол ташкилотларидан қай жиҳатдан фарқ қилади?

Яқинда Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий мавзеси комсомол ташкилотлари кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Бир неча кун давом этган бу йиғинда Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва жумҳуриятимиз ҳудудидаги ҳарбий қисмлар комсомол ташкилотларининг котиблари, фаоллари иштирок этишди.

Шу йил апрель ойида Москвада ВЛКСМнинг XXI съезди бўлиб ўтганлиги, унда комсомол ташкилотларига катта мустақиллик берилганлиги кўпчиликка маълум. Шу маънода Туркистон ҳарбий мавзеси комсомол ташкилотлари кенгаши, «комсомол ташкилотлари ишининг асосий йўналишлари» лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу ҳужжат «Фрунзевец» рўзномасининг бир саҳифасида тўлиқ эълон қилинди. («Фрунзевец», 6 июнь, 1990 йил). Лойиҳа билан танишиб чиққач, армия комсомоли билан ноҳарбий комсомол ташкилотлари ўртасидаги фарқ яққол сезилади. Армия комсомоли ноҳарбий комсомол ташкилотларига қараганда иш кўлами жиҳатидан ҳам, олдига қўйган мақсадлари ва вазифалари жиҳатидан ҳам, анча тор. Сабаби аён. Армия комсомоли асосан ўн саккиз-йигирма ёшдаги навқирон йигитлардан иборат. Ҳарбий қонун-қоида комсомол ташкилоти ишини жуда енгиллаштириб туради. Бу бир. Иккинчидан, аскарлар уюшган ҳолда хизмат қилишади. Ётиб туришлари-ю, овқатланишларигача бир хил. Худди кашшофлар оромгоҳидаги каби.

Кейинги йилларда мамлакатимизда миллий низоларнинг кучайиб кетиши ва жанжал-тўполонларни бостиришда ҳарбийларнинг иштирок этишлари, ўринсиз қон тўкишлар, шубҳасиз, одамларнинг армия ҳақидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартириб юборди. Қолаверса, уйидан соғ-омон хизматга кетиб темир тобутларда келтирилаётган аскар йигитларимизнинг аянчли тақдири дард устига чипқон бўлмоқда. Бу ҳол аскарларнинг ота-оналари, яқинларинигина эмас, шу билан бирга фирқа, давлат раҳбарларимизни ҳам ташвишга солаётганлиги сир эмас. Ҳатто бу мавзу Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида ҳам асосий-долзарб масалалардан бирига айлангани армияда қайта қуришга зарурат нақадар пишиб етилганлигини кўрсатиб турибди.

Пленумда булар тўғрисида ҳам баҳс-мулоҳазалар бўлди. Армия ҳаёти билан боғлиқ муаммоларга ечим изланди. Турли хил фикр ва таклифлар ўртага ташланди. Пленум иштирокчилари, аскар йигитларнинг ота-оналари билан суҳбатлашдик.

А. ГОЛУШЕНКОВ, капитан: Қозоғистон ССР. — Аскарлар хизмат қилиш билан бирга бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари керак. Армия ҳаётидаги долзарб масалалардан бири бу. Улар хизматдан қайтишгач, ўтган икки йиллик ҳаётларини бир умр завқ билан эслаб юришсин. Армия комсомоли ҳарбий Уставдан ташқаридаги ишлар билан ҳам шуғулланиши керак. Ҳозир айрим жумҳуриятлар ўз миллий армияларини тузишни исташяпти. Бунга қаршиман. Совет Армиясининг парчаланиб кетишидан фақат чет эллик мухолифларимизгина наф кўришади, холос. Айримлар буни тушунишни исташмаяпти.

«Оқсоқоллик» дейсизми? Бу «анъана» ҳамиша бўлган, уни йўқотиш қийин...

Армия комсомолида музейларга саёҳат, лекциялар, сиёсий ўқиш, дам олиш кечалари ва бошқалар уюшқоқлик билан ўтказилади. Яна ҳар бир ҳужжат ёки бирон янгилик аскарларга жуда тез етказилади. Ноҳарбий комсомол ташкилотларида бундай эмас. Уларга анча қийин.

Туркистон ҳарбий мавзеси биноси ёнида тошкентлик Эркин ака ва Насиба опа Боймотовалар билан танишиб қолдик.

— Ўғилларимиз Шуҳратжон билан Фурқатжонни ҳарбий хизматга кузатганимизга ҳали бир ой бўлгани йўқ. Шу пленумга келган бир зобитдан хат бериб юборишган экан, олгани келувдик. «Хизмат бошланди, ҳаммаси яхши» деб ёзишибди.

Ота-она билан суҳбат чоғида уларнинг нимадандир хавотирланаётганликлари, ташвишланаётганликлари сезилиб турарди. Кўп ўтмай бунинг сабаби аён бўлди.

— Опамнинг ўғли — Авазбек Хабаровск ўлкасида, қурилиш батальонида бир йил хизмат қилди, — дея сўз бошлади Эркин ака, — «яхшиман, соғ-саломатман», деган мазмунда хат келиб турарди. Лекин унинг оёғига яра чиқиб, бир неча марта даволаниб, ниҳоят Москвага келтирилганлигини жуда кеч билдиришди. Мана, ҳозир жиянимнинг бир оёғини кесиб ташлашди. Ахир, бу ердан уни соғ-саломат олиб кетишганди-ку?! Мана шундай воқеалар ҳар бир ота-онани ташвишлантирмай қўймаса керак.

Яқинда Наманган вилоятининг Янгиқўрғон ноҳиясидаги Исковот қишлоғида бир оила кутилмаган бахтсизлик исканжасида қолди. Ўн саккиз кун муқаддам ёруғ ниятлар, дуолар билан кенжа ўғилни хизматга кузатишганди. Йигит ёр-дўстларига аскар оши берганди. Ўн саккиз кун деганда ўғиллари Тошкентдаги ўликхоналардан бирида эканлиги ҳақида машъум хабар келди. Ўзлари бориб, қон йиғлаб марҳумни олиб келишди. Ота шўрлик ярим жон бўлиб қолган, она бечоранинг ҳолини таърифлаш маҳол. Кимга керак бундай кўргулик?! Минг афсусларким, бундай воқеалар бир ёки иккитагина эмас. Хўш, бу бевақт ўлимларга ким жавоб беради?


Иттифоқо апрель ойида, Москвада, СССР Мудофаа вазири Д. Т. Язов билан учрашувимиздаги гаплар ёдга тушади. ВЛКСМ XXI съездига борган фарғоналик бир гуруҳ комсомол-ёшлар билан мудофаа вазири қабулида бўлиб бир неча соат мулоқот қилгандик. Армиядан ўлиб қайтаётган йигитлар ҳақидаги кескин саволларга вазир жавоб қайтарар экан, бизга СССР халқ депутати, таниқли шоир Расул Ҳамзатов билан суҳбатлашганини айтиб берди. «Ҳақиқий йигит фақат севимли Ватани ҳимояси учун, севикли ёрининг шаъни учун жангга киради. Бошқа пайтларда хўрозлар уришади», дебди. Чиройли айтилган. Демак, армиядаги «оқсоқоллик», миллатчилик иллатлари туфайли бир-бирини камситадиган, калтаклайдиган, ҳатто хўрлайдиган йигитлар ўша шоир айтган хўрозлар экан-да? Ахир улар ҳарбий хизматга йигитлик бурчларини ўташ мақсадида боришган-ку! Ёки хўрозга айланиш учунми?

Сир эмас, хизматдан қайтган йигитлар ўртоқларига армиядаги ҳаётлари ҳақида ҳикоя қилишар экан, кўпинча кимдан калтак еб, кимни урганликлари, ҳатто у ёқларда кимлар билан «юрган»ликларини гапиришади. Бундай ҳикояларни йигирма йил аввал тоғалардан эшитардик. Ўн йил кейинроқ акалардан ҳам худди шундай мазмундаги «завқли» ҳикояларни эшитдик. Энди бўлса, укалардан ҳам эшитяпмиз. Лекин армия хизматида ўлиб, ногирон бўлиб келаётган йигитлар сони ҳеч қачон бугунги даражага етмаган бўлса керак. Бу, албатта, кейинги йилларда мамлакатимизда рўй берган миллий низоларнинг оқибати эканлиги кўпчиликка аён. Фожиаларнинг бошқа бир сабаби — ҳар бир аскар йигит тақдирига жиддий эътибор бермаслик. Уларга биринчи навбатда инсон деб эмас, балки буйруқни бажарувчи, дастёр, энг арзон ишчи кучи деб қараш ҳам ҳар хил нотўғри кайфиятлар уйғотмоқда. Барча ҳарбий қисмларда аҳвол бир хил дейиш нотўғри. Бу гаплар қурилиш батальонларига таааллуқли. Ана шундай қисмларга олинадиган ўзбекистонлик йигитларимиз бундан кейин фақат жумҳуриятимиз, нари борса Туркистон ҳарбий мавзеси қисмларида хизмат қилишларига келишилиши кўнгилларга анча таскин беради.

Туркистон ҳарбий мавзеси комсомол ташкилотлари кенгашининг пленумида бир нарсадан жуда ажабландим. Пленум иштирокчилари яъни аскарлар билан бевосита иш олиб борадиган ёш зобитларнинг орасида ўзбек, қирғиз, туркман ёки тожик миллатига мансубларни учратмадим. Нега шундай? Қани бу ерда чинакам байналмилаллик? Назаримда ҳарбий қисмларда хизмат қиладиган зобитларнинг миллий таркибини ҳам ўрганиб чиқиш керак экан шекилли. Айниқса, Туркистон ҳарбий мавзеси бўйича.

Бир неча кун давом этган пленум ишида қатнашиб ана шундай хулосаларга келдим.

Ҳайдар АКБАР,
«Ёш ленинчи» мухбири.



Самарқанд шаҳридаги Беруний номли педагогика билим юртида мактабгача болалар муассасалари учун мутахассислар тайёрланади. Илм маскани шу кунларда тарбиячиликка ўзини бағишлаган ёшлар билан гавжум.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) абитуриентлар ва (пастда) шу билим юртининг тажрибали ўқитувчиси Омонгул Ғафурова қизлар даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ суратлари.



«Абитуриент—90»

ЭРТАНИНГ УМИДИ

Биз иттифоқда жуда кўп соҳада орқадамиз. Моддий таъминот, турмуш фаровонлиги, қолаверса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш борасида ҳам сўнгги ўринлардамиз. Шу вақтга қадар мазкур соҳа бўйича жумҳуриятимизда махсус олий ўқув юрти йўқ эди. Узоқ тортишув, музокаралардан сўнг Халқлар Дўстлиги орденли Тошкент тўқимачилик ва Енгил саноат институти Андижон филиали замирида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлайдиган ўқув даргоҳи очилди. Москва технология институти оталиғига олинган мазкур филиал бу йил илк бор талабаларни қабул қилади. Суҳбатдошимиз филиал директори, техника фанлари номзоди Абдурашид ОТАХОНОВИЧ АБДУРАҲМОНОВ.

— Абдурашид ака, аввало филиал хусусида. Илгари у Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига қарашли эди. Дабдурустдан тарқатиб юборилди. Маҳаллий саноат корхоналари учун мутахассислар жуда-жуда зарур пайтда.

— Тан олиш керак. Бизда жуда кўп ишлар шошқалоқлик билан, эртанги кунни ўйламасдан қилинади. Айримларга дўппини олиб кел дейилса, бошга қўл югуртиришади. Вазирликдаги ўртоқлар филиални беркитиш ҳақида фармойиш бериб нима ютишди? Амалда ҳеч нима. Аксинча, кўплаб малакали ўқитувчиларни сарсон қилдик. Моддий-техник базамиз хомталаш бўлди. Қолаверса, Андижон вилоятида 40 дан зиёд саноат корхонаси бор. Мутахассислар етишмайди. Қўшни вилоятлардан жалб этилаётганлар бир-икки йил ишлашяпти-ю, уйли-жойли бўлгандан кейин жуфтакни ростлаб қолишаётир. Мутасаддилар бармоқ тишлашяпти. Маҳаллий корхоналаримиз олимлар билан ҳамкорликни йўқотди.

Ўқув биноларини айтмайсизми. 400 ўринли ётоқхона шаҳар шифохонасига айлантирилди. Ўқув биносининг бир қисми вилоят ҳисоблаш марказига берилди. Яна бир қисмига телефон станцияси қуриш лойиҳалаштирилаётганди. Хайриятки, елиб-югуришимиз туфайли шаҳар ижроқўми филиални ҳам энидан, ҳам бўйидан қисқартиришга чек қўйди.

— Инсон омили ҳақида кўп гапириляпти. Лекин амалий ишдан кўра гап кўпайиб кетяпти. Шундай эмасми!

— Албатта, қарорлар, кўрсатмалар, буйруқлар бўлаяпти-ю, ишимиз секинлик билан силжияпти. Оддийгина мисол: аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўйича иттифоқда бир йилда ўртача бир кишига 161 сўмлик хизмат кўрсатилади. Жумҳуриятимизда эса бу рақам 75-76 сўм. Айниқса, қишлоқларимизни айтинг. Шароит оғир. Аёлларимиз кун бўйи далада меҳнат қилгач, ҳориб-чарчаб ишдан қайтадилару, бир тишлам нон ейдилармi, йўқми яна рўзғор ташвишига ёпишадилар. Оилани оқ ювиб оқ тарамаса бўлмайди. Нега биз оддийгина ана шу ташвишларни техника зиммасига юклай олмаймиз. Меҳнаткаш опа-сингилларимиз оғирини енгиллатмаймиз. Сабаби, турмуш шароитимизни ҳали кўнгилдагидек қила олганимиз йўқ.

Андижон вилоятида мазкур соҳада ишловчи ўз соҳаси бўйича мутахассислар олий маълумотлилар 5 нафаргина экан холос. Юрагингиз ачимайдими. Қалбингизни оғир дард қийнамайдими? Ахир малакали мутахассис элнинг қўли, оёғи...

— Янги ихтисослик нафақат ўзимизда қўшни, жумҳуриятда ҳам янгилик бўлган бир вақтда педагог мутахассислар масаласи муаммо эмасми!

— Шубҳасиз, ҳозирча оғир. Ўзимизда 69 нафар педагог бор эди. Жумладан 4 нафари фан доктори, 36 нафарни фан номзодлари ташкил этарди. Энди уларни филиалга жалб қиляпмиз. Демак, учинчи курсга қадар талабаларни ўқитиш имкониятига эгамиз. Келгуси йилдан бошлаб ўқитувчиларимиз Москвада малака оширишни бошлайдилар. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олаётган андижонлик талабалар фаолиятини ўрганиб чиқдик. III курсдан бошлаб бир нечаси Москва технология институтида ўқишни давом эттиришади. Шунингдек, бу йил қабул қилинадиган айрим талабаларимиз ҳам марказга юборилади. Эртанги кунни ўйлашимиз керак. Бугунги ёшлар ишларимизнинг давомчилари. Улар яқин йилларда муаммони ҳал этишади. Бундан ташқари соҳамиз бўйича иттифоқнинг турли институтларида таҳсил олаётган андижонлик ёшларга хабар ва таклиф юборяпмиз. Амалдаги йилда 3 нафар ёш Андижонда иш бошлашади. Хуллас, умидимиз ёшлардан.

— Назария амалий иш билан мустаҳкамланади. Бу ҳақда нима дейсиз!

— Тошкент дорилфунуни 67 минг сўмлик кимё асбоб-ускуналари ажратди. Лабораторияларни кўнгилдагидек жиҳозлаяпмиз. 4 та хонамизни лингафонлаштирдик. Телекомплекс қуряпмиз. 2 та замонавий ҳисоблаш машиналари комплекси, шунингдек 8 та компьютер олдик. Энг муҳими ўқув биноси ҳамда амалий ишлар учун 3,5 миллион сўмлик комплекс лойиҳасини ишлатдик. Кўзда тутишимиз бўйича институт филиали қошида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси бўлади.

Миллий чойхона қурамиз. Айтмоқчиманки, шаҳарчада кийимларни кимёвий тозалаш, ювиш, бичиш, тикиш, хуллас хизматнинг жуда кўп турлари бўлади. Юмуш билан келган мижоз бир пиёла чой ичиб ҳордиқ чиқаргунча буюртмаси тайёр бўлади. Ахир замонавий техникалар кишини узоқ куттирмайди. Масалан: кийим бошни ювиб, дазмоллаш учун 20-30 минут кифоя қилади.

Масаланинг иккинчи томони талабалар шаҳарчада амалий машғулот ўтказадилар. Бўш вақтда худди шу ернинг ўзида ишлайдилар.

— Қўлдан кетган ётоқхона, ўқув бинолари масаласи-чи!

— Шаҳар ижроқўми мутасаддилари билан келишдик. Бинолар ўзимизга қайтариб бериладиган бўлди. Яна бир гап. Тасарруфимизга 15 гектар ер берилияпти. Жами майдонимиз 26 гектарга етади. Демак, талабаларимиз учун полиз маҳсулотларини ҳам ўзимиз етиштирсак бўлади. Шунингдек ёрдамчи хўжалик қилаяпмиз. Чорвачиликка эътиборни қаратмоқчимиз. Арғамчига қил қувват, дейишади. Филиал оёққа туриб олиши учун ҳар ким ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим.

— Филиалнинг илк қабули хусусида. Бу ҳақда ҳали айримлар хабардор эмас.

— Бу йил фақат кундузги бўлимларга қабул бўлади. Якка буюртма бўйича кийим тайёрлаш ва таъмирлаш, якка буюртма бўйича трикотаж буюмлари тайёрлаш ва таъмирлаш, тўқимачилик буюмларини кимёвий тозалаш, бўяш ва махсус ишлов бериш технологияси каби учта йўналиш бўйича билим беришни кўзда тутяпмиз.

— Абдурашид ака, худди шу йўналиш бўйича Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳам малака олса бўлади-ку!

— Тушунмовчиликларимиз илдизи шунда-да. Сиз таъкидлаган ўқув даргоҳида бизнинг йўналишимиз бўйича қисқа хабардор қилинади, холос. Масаланинг туб моҳиятига кириб борилмайди. Оқибатда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчилар ўз вазифа ва бурчларини яхши тушуниб етишмайди. Одамларимиз ҳозир беминнат кўрсатилаётган хизматдан кўнгиллари тўляптими? Йўқ, албатта. Сабаби, ҳалигидай. Етук малакали ёшларни тарбиялай олмаяпмиз. Имоним комилки, ўқув даргоҳимиз иш бошласа, бу борада дадил қадамлар ташланади.

Таъкидлаб ўтмоқчиман абитуриентларни жумҳурият миқёсида қабул қиламиз. Келгуси йилдан бошлаб қўшни жумҳуриятларга ҳам бу борада ёрдам беришни кўзлаяпмиз. Ахир ўқув даргоҳимиз Ўрта Осиёда ягона.

Суҳбатдош
Фозилжон ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

АФСОНАЛАР БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН

Термизда очилган кўргазма Сурхон воҳаси ёш ижодкорлари асарлари билан таништиради. Уни вилоят комсомол қўмитаси ташкил этди. Кўргазмага амалий санъат буюмлари тўпланган. Ижодиётнинг худди шу тури кейинги вақтда ёшлар орасида, айниқса, машҳур. Кулолчилик санъатининг юксак даражаси билан ном қозонган аждодларимиз анъаналарини давом эттираётган истеъдодли усталарининг кўпайиши «Мерос» деб аталган ихтисослашган дўконни очишга имкон берди.

Кўргазма томошабинларини СССР рассомлар уюшмасининг аъзоси Қудрат Асроров асарлари билан таништирди. Қудрат Асроров қадимий Шарқ афсоналари ва ривоятлари билан йўғрилган буюмлар яратиб халқ орасида машҳур бўлган. Ангор педагогика билим юртидан Олим Норматовнинг ижоди илк бор кенг кўрсатилмоқда. Педагогика институтининг талабаси Олеся Ноумова сополдан ишланган идиш-товоқлар туркумини кўргазмага тақдим этди.

(ЎзТАГ).

ОФАТ КЎРМАГАНГА ЎХШАЙДИ

«Табиий офат оқибатлари тугатилди. Ғўза аъло даражада ривожланмоқда, қийғос гулга кирди, шоналари жуда кўп, дастлабки кўсаклар ҳам пайдо бўлди», — Андижон вилоят деҳқончилик саноат уюшмасининг Қўрғонтепа ноҳияси далаларида бўлган мутахассислари шундай фикрга келдилар. Эсингизда бўлса, кўклам фасли бу ердаги кўп хўжаликлар тошқиндан жабрланган эди.

— Ҳозир ноҳия пахтазорларида 400 дан кўпроқ культиватор ишлатилмоқда, — дейди ноҳия деҳқончилик-саноат бирлашмасининг бош муҳандиси Эркин Усмонов. — Далаларга беш-олти марта ишлов берилди.

Ҳосилни машинада териб олишга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Бу йил ноҳияда агрегатлар ёрдамида ҳосилнинг деярли 60 фоизини териб олишга қарор қилинди. Хўжаликларнинг таъмирлаш устахоналарида машиналарни қайта созлашмоқда. Бу ерда биринчи августга қадар барча терим техникаси ремонтини тугаллашни режалаштирганлар.

ҲИССА

Қорақалпоғистон фермаларининг меҳнатчилари аввалдан режалаштирилган жадвалдан анча ўзиб кетдилар. Улар қарийб икки ярим минг тонна сут тайёрладилар. Мухтор жумҳуриятда кейинги тўрт йилда илк бор ярим йил ичида 25 минг тоннадан ортиқ сут соғиб олинди. Тайёрланган маҳсулот 26 минг 465 тоннадан ошиб кетди.

— Чорвачиликда олға силжилганлиги кўриниб турибди, — дейди Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти давлат қишлоқ хўжалик кооператив қўмитаси иқтисодий таҳлил бўлимининг бошлиғи А. Т. Мирзақулов. — Мухтор жумҳурият айрим кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларидан ўзиб кетди. Чунончи, моллардан насл олиш аввалги йилларга қараганда анча кўпайди. Ҳар юз бош сигирдан 40 та бузоқ ва ҳар юз совлиқдан 100 та қўзи олинади. Гўшт тайёрлаш юзасидан шартнома мажбуриятлари ошириб бажарилди. Лекин касаллик туфайли қарийб 1750 бош сигир камайишига қарамай, сут тайёрлашда катта силжишга эришилди.

Бу ерда хўжалик юритишнинг нормал шароитлари яратилганлиги ҳал қилувчи омил бўлди. Мухтор жумҳуриятда шахсий хўжаликлар анча кенгайди — ҳозирнинг ўзида мингдан ортиқ оилавий ферма рўйхатга олинган. Ярим йил ичида аҳолидан 7303 тонна сут харид қилинди. Бир йил аввал бу кўрсаткич икки ярим баравардан ҳам кам эди. Сутнинг сифати яхшиланди, маҳсулот турлари кўпайди. Дўконларда кўпчилик ёқтириб қолган сузмали қаймоқ, аъло сифатли музқаймоқ, бошқа маҳсулотлар пайдо бўлди.


Хуллас, деҳқон хўжаликлари ривожланиб, Қорақалпоғистон деҳқончилигида тобора кучли омилга айланмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штаби саҳифаси

БУНЁДКОР ТАЛАБА

№ 4 (167)



«БИЗНИ ҚАБУЛ ЭТ, ЎРАЙ!»

Тошкент Давлат дорилфунуни кимё куллиётининг «Олмос» талабалар отряди меҳнат таътилини ўташ учун жўнаб кетди.

— Ўтган йили Тюмень вилоятининг Нягань шаҳрида бўлган эдик, — дейди отряд командири Қадамбой Узоқбоев. — Ўшанда «Узтюменжилстрой» қурилиш-монтаж поездида меҳнат қилганмиз. Тўғри, мен унда оддий жангчи эдим. Ҳар биримиз таътил давомида 700 сўмдан ортиқ пул ишлаганмиз. Ҳозир биз бунёд этган мактабда болаларнинг таълим ва тарбия олаётганини эсласам, қалбим ғурурга тўлиб кетади.

«Олмос» талабалар отряди таркибида 22 киши бор. Уларнинг кўпчилиги Совет Армияси сафларида хизмат бурчини ўтаб қайтганлар. Бу йил отряд аъзолари «Ўрайнефтежилстрой» билан шартнома имзолаган. Унга асосан, 140 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилиши керак.

Талабалар шартнома бажарилишига кафолат беришмоқда. Муҳими шартномада қайд этилган шартларга амал қилинса бўлгани. «Олмос»да 2 нафар қиз ҳам бор — Гулбаҳор Матжонова ҳамда Зулхумор Янгибоева. Улар билан бўлган қисқа мулоқотдаёқ талабаларнинг кўп нарсаларга қодир эканлигини ҳис қилдик.

— Ҳар қалай меҳнат таътилидаги фаолиятимиз билан оиламиздагилар жонига оз бўлсада, ора кирамиз, — дейишди қизлар.

Рости ҳам шу. Меҳнат таътили талабалар учун яратилган ягона имкониятлардан бири.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: «Олмос» талабалар отряди Свердловскка жўнаш олдидан.

Муаллиф суратга олган.





ҲАР КИМ МЕҲНАТИГА ЯРАША

Ўқув йили давомида ўқув ишлаб чиқариш комбинатида ҳунар ўрганган ўқувчилар ёзги таътилда ихтисосликлари бўйича меҳнат қиладилар. Албатта бунда комбинатда олган сабоқлари қўл келади. Мана бу йили ҳам ўқувчилар ёзги дам олишни бошлаб юборишди. Урганч ноҳиясидаги бир неча мактабнинг 10-11 синф ўқувчилари ҳафтанинг чоршанба ва пайшанба кунлари ўқув ишлаб чиқариш комбинатига боришар эди. Асосан улар танлаган касби бўйича билим олишади ва практика жараёнида уни амалиётда қўллайдилар. Ўқув ишлаб чиқариш комбинатига қатнаганлар ҳар йили ёзда ишлаб беришлари лозим. Шу боисдан, бу йил ҳам болаларнинг аксарияти завод-фабрика, комбинатларда, кашшофлар лагерларида, корхоналарда меҳнат қилишяпти. Баъзилари ота-оналарига хўжалик ишларида кўмак беришмоқда. Энг асосийси, уларнинг таътил кунлари мароқли ўтсин. Бизнинг 1-ўрта мактаб ўқувчилари ҳар йили «Меҳнат-роҳат» лагерида бўладилар. Бунда ўқувчилар фақат эрталаб 2-3 соат ишлашади. Қолган вақтини ўйин-кулгу, сайр қилиш, дам олиш билан ўтказишади. Бу албатта яхши.

Қишлоқ жойларида эса ёшларнинг куни далада тер тўкиш билан ўтиши сир эмас. Ҳозир пахта ерлари бирмунча қисқартирилган бўлса ҳам, полиз экинларини экиш, уни пудрат асосида парвариш қилиш кенг йўлга қўйилган. Қишлоқ ёшлари тақдири кўпчиликни ўйлантирмоқда. Улар, баҳор келди дегунча мактабдан кейин далага отланишади. Ёзда куни бўйи ишлашади. Лекин улар қачон дам олишади, қандай ҳордиқ чиқаришади, ёзги таътил кунлари қандай ўтади? Эртадан кечгача меҳнат қилиш одамни чарчатиб қўяди-ку. Қолаверса, болалар ёзги таътилдан безиб қолишади. Менга қўйиб беришса, қишлоқ жойларда ҳар шанба кунлари ёшларнинг дам олиш тадбирларини йўлга қўярдим.

Бизда яхши: кино-театр, маданият ва истироҳат боғи доим ишлайди. Кўчалар кўкаламзор. Чарчоғинг бир пасда тарқалади, кўнглинг кўтарилади. Мана, Ғайбу қишлоғида жойлашган катта пиво заводи ҳар йили мактаб ўқувчиларини ўзига жалб қилади. Ўқувчилар консервалаш, шиша ювиш, тозалаш, меваларни саралаш ишлари билан машғул бўлишади. Иш тўрт сменада. Уч кун ишлаб, сўнг бир кун дам оласан. Иш вақти олти соат. Бу ерда ёш йигит-қизлар кўп бўлганлиги учун иш кунлари ҳам завқли ўтади. Кулгу уларнинг доим ҳамроҳи. Болалар ҳам катталар қатори ўз меҳнатига яраша ҳақ олишади. Ҳеч бўлмаганда бу ҳам ўқувчининг харажатига ярайди. Ота-онага ҳар ҳолда жабр бўлмайди.

Шу ўринда грен заводи ҳам кўплаб ўқувчиларни ўзига жалб қилганини таъкидлаш лозим. Бу ерда ўқувчилар капалак (пилла капалаги) теришади. Ойлик маоши яхши, ўз-ўзингни таъминлашга етади. Ёзда зерикиб бекор юргандан кўра ишлаб оилага ёрдам берган яхши-да.

Ахир, бекорчидан ҳамма безор, дейишади-ку.

Адолат БОЙЖОНОВА,
Хоразм вилоятининг Урганч ноҳияси.

Яна бекорчимиз

Мактабнинг қуйи синфларида ўқиб юрган кезларинг ёзги таътил вақтида лагерларда дам олишга ишқивоз бўларкансан. Ёшинг улғайиб, юқори синфларга ўтгандан кейин лагерларга боришни ҳам ўзингга эп кўрмайсан. Уйда ойлаб бекор юриш эса ҳам зерикарли, ҳам ўзингга эриш туйилади. Шунинг учун жойларда таътил вақтини мўлжаллаб, ёшларнинг имконияти ва соғлигига тўғри келадиган мавсумий ишлар ташкил этилса, менимча нур устига аъло нур бўларди. Бунда аввало ёшлар ҳаётий кўникма ҳосил қилибгина қолмай, озми-кўпми иқтисод томонидан манфаатдор ҳам бўладилар. Ўз камчиликлари учун ўзлари пул ишлаб оладилар. Ота-оналарига мададкор бўладилар.

Бу йил таътилга чиқиш арафасида бир гуруҳ ўртоқларим билан Марғилон пиллакашлик фабрикасида очилган пилла саралашдаги мавсумий ишда 15 кун ишладим. Очиғини айтай, биз учун ишга бориш гўё байрамга отлангандек эди. Мактабдошларимнинг ўзларига бўлган ишончу қувончларини ўз бошимдан кечирдим. Лекин афсуски, ярим ойда иш тугади. Биз яна бекорчилик гирдобидамиз. Қанийди, мана шундай мавсумий ишлар доимий бўлиб турса! Эҳтимол, ўқиш даврида ҳам дам олиш кунлари ташкил этилса бўлар. Бу билан фақат ёшларни меҳнатсевар қилиб тарбиялаган бўлардик, холос. Қолаверса, ота-онасидан дафтар-қалам учун ҳам пул сўраб юрмасди (юқори синфда ўқиб туриб, улардан пул сўрагани уялар ҳам экансан).

Шу сатрларни ёзаяпману, хаёлимда бир фикр: тегишли мутасадди ташкилотлар, комсомол қўмиталари ҳамда корхона раҳбарлари бунга қандай муносабатда бўлишаркин! Ёшлар-чи!

Ф. ҚУТБИДДИНОВА.
Марғилон шаҳар Ш. Руставели номли 1-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

«Ёш ленинчи»га жавоб берадилар

«КАСБИНГИЗНИ СЕВАСИЗМИ?»

«Ёшларга ҳунар ўргатишга астойдил бел боғлаган мутахассислар «Қизларнинг каллак қоққанини ёзманг», (Бу ерда гап Ангор ноҳиясидаги 1-мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ўқувчиларга қандолатчилик касбини ўргатиш ўрнига уларга ундан бўшаган қоплар (каллак)ни қоқтираётгани ва бошқа касб сир-асрорларини ўргатишда ўзибўларчиликка йўл қўйилаётгани ҳақида гап борган эди — ред. изоҳи) дегандан кўра, уларга дурустроқ шароит яратиш, касб сирларини пухтароқ ўргата олмаётганидан, вақтнинг ҳавога совурилаётганидан куйинишса тўғри бўларди».

Ушбу сатрлар рўзномамизнинг шу йил 27 апрель сонида чоп этилган «Касбингизни севасизми?» сарлавҳали танқидий мақоласидан олинди. Мақола текшириб, чора кўриш учун Сурхондарё вилоят халқ таълими бошқармасига жўнатилган эди. Яқинда бошқармадан жавоб олдик.

«Ноҳиядаги 1-ўқув ишлаб чиқариш комбинати эски мослаштирилган иморатда жойлашган бўлиб, ўқув хоналари, кабинетлари ва лабораториялари ҳозирги кун талаб даражасига жавоб беролмаслиги аниқланди, — дейилади вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Э. Ўроқов имзоси билан олинган расмий жавобда. — Мақолада тилга олинган камчиликларни тугатиш бўйича тадбирий чоралар кўрилди. Жумладан, тикув машинасининг 5 таси тузатилди, қандолатчилик гуруҳидаги газ плитка созлаб, ўқувчилар ихтиёрига берилди.

Ёзув машинкаси гуруҳи ўқувчиларига қўшимча яна 1 та машинка, ёзиш қоғозлари ва ленталари ажратилди. Қандолатчилик цехидаги каллак қоқтириш, пол ва банка ювдириш ишлари оталиқ ташкилоти қўмитасида муҳокама қилиниб, бундай номаъқулчилик қилмасликни кўрсатилиб, цех бошлиғи огоҳлантирилди.

Рўзномадаги мақола юзасидан тайёрланган масала ноҳия халқ таълими бўлими Кенгашида муҳокама қилинди. Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида таълим-тарбиянинг талаб даражасида эмаслиги, ўқув базаси яратилмаганлиги пировард оқибатда юқоридаги камчиликлар келиб чиққанлиги сабабли унинг директори Э. Бобоназаров огоҳлантирилди, илмий мудир Э. Соқиевга эса камчиликларни тузатиш кўрсатилди.

Нуқсонларни тузатиш ишларини назорат қилиш ноҳия халқ таълими бўлими меҳнат таълими йўриқчиси Ч. Холиқовга топширилди.

Қилинган ишлар натижаси ноҳия халқ таълими бўлимининг навбатдаги йиғилишида қайта кўриб чиқилади».

Бир хат изидан

КИМНИ АЛДАЯПСИЗ?

«Тошкент — Гулистон» тезюрар автобусида кетаяпману йўл тугамаяпти. Қўлимдаги шикоят хатига яна бир бор кўз югуртириб чиқдим. У рўзномамиз номига келаётган шикоятлардан фарқ қиларди. Чунки, кўпинча мактубларда айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳақиқатни топтаётганликлари ҳақида ёзилади. Бу мактубни эса айнан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимларининг ўзлари ёзишганди.

«Ҳурматли редакция! Мен Пиримқул Мамаражабов Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими соқчилик бўлинмасида 7 йилдан бери хизмат қиламан. Маълумки, кейинги пайтларда ички ишлар бўлими ходимларига нисбатан халқимизда нотўғри фикр уйғониб қолди. Сабаби баъзи кишилар милиция билан халқнинг ўртасига нифоқ солишмоқда. Шу йил 21 март куни Наврўз байрами муносабати билан шаҳримиз марказидаги «Спартак» стадионида таниқли кулги усталарининг концерт ва томошалари бўлиши керак эди. Стадионга вилоятимизнинг ноҳияларидан 4 мингдан ошиқроқ мухлислар йиғилишди. Лекин кутилмаганда «Спартак» стадиони директори Раҳим Шарипов «концерт 11 апрелга қолдирилди», деб эълон қилди. Ғала-ғовур кўтарилди. Кексалар, хотин-қизлар тарқала бошлади. Лекин 300 га яқин ёшлар халқни «алдайдиган»лар билан «разбор» қилмоқчи бўлишди. Санъаткорларнинг машиналарини ўраб олишди. Кимдир сўкинди. Яна кимдир уларга тош отди. Тўс-тўполон бошланди. Милиция ходимлари ўртада қолиб кетдик. Бўлинмамиздан қўшимча кучлар келиб, санъаткорларни эсон-омон шаҳардан чиқариб юбордик. Йиғилган, дарғазаб оломонни бир амаллаб тарқатдик. Каттани «ака», кичикни «ука» деб тушунтирдик. Бахтимизга ўша кун ҳеч ким жароҳатланмади. Агар бирон корхол бўлганда, яна милиция ходимлари айбдор бўлиб қолмасмиди! Ахир бизлар ҳам халқ фарзандларимиз-ку. Қачонгача милицияни халққа, халқни милицияга қарши қўйгувчилар четкада қолиб кетаверади. Бундан кимлардир манфаатдордир, ахир!!»

Хўш, кутлуғ Наврўз куни халқни ким алдади? Концерт нега бўлмади? Гулистонликлар ҳамон бу саволга аниқ жавоб топишолмаяпти. Кейинги пайтларда бундай алдашлар жумҳуриятимизда тез-тез такрорланмоқда. Бундан халқ ғазабланмоқда. Баъзан бундай алдашлар қон тўкишларга, бегуноҳ кишиларнинг қамоқхоналарга тушиб қолишларига сабаб бўлаётир. Юртимизнинг неча йиллаб бунёд этилган тарихий обидалари кул ичида, бегуноҳ халқ ғам ичида қолаётир. Талончилик, ўғирлик, қотиллик содир этилаётир.

— Наврўз байрамини сермазмун ўтказиш учун «Ўзбекконцерт» билан шартнома тузиб келдим, — деди «Спартак» стадиони директори Р. Шарипов. — Ўша куни артистлар 12.00 да етиб келишди. Лекин аппаратларни ўрнатадиган техник ходимлар «Ёмғир ёғиб турибди. Микрофонларни ўрната олмаймиз» дейишди. Ўша пайт стадион мухлислар билан тўлган эди.

Тўрт мингдан ортиқ мухлислар санъаткорларнинг саҳнага чиқишига интизор. Ёмғир эса ёғиб турарди. Мухлислар безовталана бошлади. Сўнг ҳуштакбозлик. Лекин санъаткорлар саҳнага чиқишмади. Ичкарида эса концерт бўлмаслигини халққа айтишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди. Стадион директори артистлардан, артистлар эса шаҳар раҳбарларидан бу хабарни эълон қилишни илтимос қилишди.

— Агар саҳнага чиқиб «концерт бўлмайди» десак катта жанжал бўлиб кетиши мумкин, — дейишди артистлар. Сўнг бу хабарни айтишни шаҳар ижроқўми вакилига — Рифат Кензинга топширишди. У ҳам стадиондаги вазиятни кўрди-ю, «мен айтолмайман» деди. Халқ эса санъаткорларни кутарди. Ниҳоят стадион директори Раҳим Шарипов концерт 11 апрелга қолдирилганини эълон қилди.

Биз ушбу шикоят юзасидан Гулистон шаҳридаги «Спартак» стадионида ишлайдиган кўп кишилар билан суҳбатлашдик. У ердагиларнинг жавоби бир хил, «ёмғир бўлганлиги учун микрофонларни ўрнатишнинг иложи бўлмади». Наҳотки, стадион раҳбари учун шу баҳона бўлса? Ахир Наврўз куни жумҳуриятимизнинг жуда кўп жойларида ёмғир ёғиб турди-ку! Аммо катта-катта очиқ майдонларда санъат аҳли ўз мухлислари учун бир кунлик меҳнатларини аямадилар. Ёмғирдан қочиб, ўзларини панага урмадилар. Халқ нима бўлса, биз ҳам шу деб, даврадан чиқмадилар. Бунинг устига Наврўзи олам учун жуда кўп жойларда концертлар текинга уюштирилди. Ҳатто ташкилотлар ўз ҳисобидан бепул тушликлар тарқатишди. «Спартак» стадионида-чи?! Бу ерда аҳвол бутунлай бошқача, ният бузуқ бўлганлиги шундоққина сезилиб турибди. Стадион маъмурияти «Наврўзи олам» баҳона бир нималик бўлиб қолиш учун «хўжалик ҳисобини» пеш қилишди.

— «Ўзбекконцерт»га бориб 18 минг сўмга билет олиб келгандим, — деди стадион директори. — Лекин бор-йўғи 1158 сўмлик билет сотдик, холос. Шартнома бўйича 10 минг сўм «Ўзбекконцерт»га, 8 мингги эса стадион маъмуриятига қолиши керак эди.

Бу директорнинг ҳисоб-китоби. «Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр» деган гап рост-да, нафси ҳакалак отган «Ўзбекконцерт» вакилига 1158 сўмлик «луқма» камлик қилди. «Отолмаган сопқон ҳам бетга, ҳам кетга тегади», деганларидек, Раҳим Шариповнинг «нўноқ»лиги бошига етди. Оқибатда концерт қолдирилди. Сабаби эса, битта «ёмғир бўлганлиги учун микрофонларни ўрнатишнинг иложи бўлмади». Асли, бу сабаб эмас...

— Ўша куни юрагим қандайдир нохушликни сезгандай бўлди. Стадионга етиб борганимда ғала-ғовур энди бошланаётган эди. Қариялар, хотин-қизлар ва болалик ота-оналар хавотирланиб тарқалиша бошлашди, — деди Гулистон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Раҳимжон Мўминов. — Шу пайт 300 га яқин ёш-яланг санъаткорларнинг машиналарини ўраб олишди. Уларнинг «нияти алдаганлар»нинг «таъзирини бериб қўйиш»да. Бошқа ҳеч гапмас. Асабийлашган ёшлардан илтимос қилдик. Тўғриси халқни алдаганларни топиб ўзимиз «жазолаймиз», деб ишонтиришга уриндик. Оқсоқоллар аралашди, бу кутлуғ кунда жанжал чиқармасликка, ақл-ҳушни йиғиб олишга ундади. Ҳар қалай ёшлар инсофга келдилар. Агар шундай бўлмаганда қолдирилган концерт катта фожиага айланиб кетиши ҳеч гап эмасди. Шундай нозик вазиятлардан фойдаланиб, ёшларни ёмон ишларга — ўт қўйиш, босқинчилик, талончилик, қотилликка бошлаётган маккорлар камми ҳозир?

— Мен ўша куни милиция кийимида эмас эдим, — дейди милиция кичик лейтенанти Фахриддин Бобомуродов. — Қизиқчи Обид Асомов ўтирган «Жигули»ни ўраб олиб, энди улар билан «ҳисоб-китоб» қилиш учун икки йигит стадионнинг катта дарвозасини ёпаётган пайтда темир дарвозани ичкаридан очиб юбордим. Санъаткорларнинг машиналари бирин-кетин стадиондан чиқиб кетишди. Лекин оломон орасида ур йиқитга ундовчилар йўқ эмасди.

— Концертнинг қолдирилганлигининг сабабини тўғриси тушуна олмадик. Наҳотки ёмғир баҳона бўлса — деди Гулистон медицина техникуми талабаси Ханифа Норкулова. — Лекин биз чиқиб кетаётганимизда «алдамчиларга кўрсатиб қўювчилар» стадионда қолишганди.

Гулистонда турли миш-мишлар тарқалди. «Микрофонларни ўрнатиш иложи бўлмади» деган гапга эса ҳеч ким ишонмади. Халққа эса ҳақиқат айтилмаганди.

Тўғрисини айтганда ўша куни милиция ходимлари ўз вазифасини аъло даражада уддалади. Милиция сержантлари А. Турсунов, О. Парпиевлар матонат кўрсатишди. Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи подполковник Раҳимжон Мўминов вазиятни тўғри баҳолай олди. Ақл билан иш тутилиб, катта фожианинг олди олинди. Эҳтиросга берилган, ғазабланган, алданган ёшлар ёмон йўлдан қайтарилди.

Хўш халқни ким алдади? Нима учун? Биз Гулистонда кўплаб кишилар билан учрашдик. Ҳамма «Спартак» стадиони маъмуриятини айбдор дейишмоқда.

Кейинги пайтларда жумҳуриятимизда стадионларга минглаб кишиларни йиғиб пул топиш дардида юрган ширкатчилар кун сайин «болаламоқда». Улар жумҳуриятимиздаги таниқли артистларнинг ва спорт командаларининг номларини «сотиб» «иш» қилмоқдалар. Аслида эса ширкатчиларнинг мақсади маданий хизмат кўрсатиш эмас, балки пул ишлашдир. Шу йил 2 май куни Андижоннинг «Спартак» стадионида юз берган «алдамчилик» ҳам фожианинг сабабчиси бўлди.

Касални даволашдан кўра унинг олдини олиш осонроқ. Ҳозирги кунда минглаб кишиларни йиғиб, томоша уюштириш баҳонасида пул дардида юрган ширкатчилар ва стадион маъмурияти устидан манфаатдор ташкилотлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари жиддий назорат ўрнатишлари керак. Аксинча, кимлардир ўзини мусича-ю беозордай кўрсатиб, чўнтагини қаппайтираверади. Пайт пойлаб юрган ғаразли кимсалар эса ана шундай қалтис вазиятдан фойдаланиб, ўз ниятларини амалга оширадилар. Ўт қўядилар. Магазинларни «қўлдан» ўтказадилар. Ғишт қолипдан кўчгандан сўнг қама-қамалар бошланади. Шунда ҳам «холвани ҳоким еб, калтакни етим еб» қолаверади. Фожианинг бош сабабчилари эса бу пайтда «қуён»нинг расмини чизиб кетворадилар.

Сирдарё вилояти касаба уюшмалари кўнгилли физкультура ва спорт жамияти раиси А. Фёдоров 21 март куни «Спартак» стадиони директори Р. Шариповни вазифасига масъулиятсизлик қилганлигига қарамай уни директорлик лавозимидан олиб, инженерлик вазифасига ўтказиб қўйди.

Наврўз кунги концертнинг 11 апрелга қолдирилганлигини стадион директори ўша куни эълон қилган эди. 11 апрель гулистонликлар яна «Спартак» стадионига йиғилдилар. Чунки, бу концерт учун 1158 сўмлик билет сотилган эди-да. Аммо санъаткорлар Гулистонга боришмади.

Обид АСОМОВ, қизиқчи:

— Гулистондаги бу нохуш воқеада бизнинг айбимиз йўқ, деб ўйлайман. Чунки биз белгиланган вақтда томоша қўйиладиган «Спартак» стадионига етиб бордик. Саҳнага қарасак микрофонлар ўрнатилмаган.. Сабабини сўрасак: «Ёмғир бўлганлиги учун микрофонларни ўрнатишнинг иложи бўлмади» дейишди. Йиғилганларга ҳам шундай дейилди. Одамлар тарқала бошлади. Кутилмаганда анчагина ёшлар бизни ўраб олди. Гўё концертнинг қолдирилишида бизлар айбдордай. Сўнг тошлар отила бошланди. Зўрға милиция ходимлари ёрдамида оломон ичидан чиқиб олдик.

— Концертнинг қолдирилишига ким айбдор, деб ўйлайсиз!

— «Спартак» стадиони маъмурияти билан «Ўзбекконцерт»дагилар. Мен «Ўзбекконцерт» директорига 21 март кунги концертнинг 11 апрелга қолдирилганлигини бир неча бор эслатдим. Лекин фойдаси бўлмади.

Ўтган йили Янгиердан бир гуруҳ ширкатчилар Ш. Жўраевнинг номини сотиб «бир нималик» бўлиб қолмоқчи эдилар. Лекин бу фожиа билан тугади. Автомобиллар ёндирилди. Иморатларга ўт қўйилди. Кимлардир ўз ғаразли мақсадларини амалга оширди. Халқ эса алданиб қолаверди. Кейинчалик Ш. Жўраев мардлик қилиб янгиерликларга текинга концерт қўйиб берди. Лекин «Ўзбекконцерт»дагилар-чи? Бу саволга жавоб топиш учун «Ўзбекконцерт» директори **Жалолиддин РАҲМАТУЛЛАЕВГА** мурожаат қилдик.

— Гулистондаги нохушликларда бизнинг айбимиз йўқ. Чунки санъаткорларимиз ўз вақтида етиб боришди. Концертнинг қолдирилишига об-ҳавонинг ноқулайлиги сабаб бўлди. Томошанинг 11 апрелга қолдирилишига «Спартак» стадиони директори Р. Шарипов айбдор. Чунки у ҳеч ким билан маслаҳатлашмаган. Концерт бўлмаганлиги учун «Ўзбекконцерт» 7 минг сўмга куйиб қолаверди. Чунки томоша харажатлари бизнинг гарданимизга тушди. Кооператив автобус учун, санъаткорлар учун ҳам шартномадаги пул тўланди.

14 март куни икки томон — «Ўзбекконцерт» билан «Спартак» стадиони маъмурияти 21 март Наврўз кунги концертга шартнома тузишганди. Лекин шартнома бўйича «Спартак» стадиони маъмурияти 19 мартгача «Ўзбекконцерт» ҳисобига 10 минг сўм пул ўтказиши керак эди. Аммо бу пул «Ўзбекконцерт» ҳисобига ўз вақтида ўтказилмади. Шартнома бузилди. Концерт бошқа кунга «қолдирилди». Гулистондаги 348 киши билетга куйиб қолаверди.

Биз ушбу шикоятни ўрганиш даврида халқнинг алданишида «мен гуноҳкорман» дейдиган кишини учратмадик. Ҳамма айбсиз, ҳамма гуноҳсиз, ҳамма фаришта. Айбдор битта, у ҳам бевақт ёққан ёмғир.

Сирдарё вилояти об-ҳаво бюросининг маълумотига қараганда эса ёмғир ўша куни соат 11 дан 18 минут ўтганда бошланиб 13.00 гача давом этган. Концерт эса 13.00 да бошланиши керак эди. Хулосани энди ўзингиз чиқаринг. Билетлар ўз вақтида сотилмаган. Чунки стадионга 4 мингдан ортиқроқ билетсиз кишилар кириб олишганди. Агар 6 минг дона билет муддатидан олдин сотилиб, «Ўзбекконцерт» ҳисобига 10 минг, стадион ҳисобига 8 минг сўм пул тушганда эди, иш бошқача бўларди. Ўша куни Гулистонда ёмғир тугул тош ёққанда ҳам концерт бўларди. Жумҳуриятнинг ҳамма жойларида Наврўз шарофати билан катта-катта концертлар уюштирилди-ку?! Лекин жумҳуриятимизнинг ҳеч бир жойида Гулистондагидек дил хираликлар бўлмади.

Халқ билан ўйнашиб бўлмайди. Уни алдаш фожиага қўйилган қадамдир. Бунга Фарғона воқеалари, Бўка, Паркент ва сўнггиси Андижондаги воқеалар мисол бўла олади. Фитрат айтгандай:

Халқ денгиздир, халқ
тўлқиндир, халқ кучдир.
Халқ исёндир, халқ
оловдир, халқ ўчдир.
Халқ қўзғалса, куч йўқдир ким
тўхтатсин.
Қувват йўқ, ким халқ
истагин йўқ этсин...

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

КАМОЛОТ ГЎШАСИ

ЁХУД РЎЗНОМА... УЙ, СОАТ, ЛАГАН ВА ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Гапни уй воқеасидан бошлайин. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг, дейди халқимиз. Бу мақолдан уйни, бошпанаси бор одам бу дунёда энг бахтли шахс, деган маънони уқаман. Мамлакатимизда бошпанасизлар сони ортиб бораётган, уй-жой тақчиллиги ўткир муаммолардан бири бўлиб турган айни маҳалда каттадир, кичикдир, ўз уйи— бошпанаси бор инсон ўзини бахтлиман, дейишга ҳақлидир! Айниқса, Тошкентда квартирама-квартира кўчиб, ҳеч жойга сиғмайдиган баъзи оилаларда 1,5-2 квадрат метр жойда тиқилиб-сиқилиб кун кўраётган одамларнинг ўз уйи, ўз ўлан-тўшаги бўлишини, қанчалар орзу қилишини, бу бахтга эришганда болалардек суюниб, иргишлаб, энтикишларини тасаввур қилоласизми? Албатта, катта-катта шоҳона ҳовлиси бор одамларга ҳавасимиз келади. Шу боисдан Тошкентда саломалик қилган сўнг дарров: «Ҳовли қатда?», деб сўрашади ва жуда тўғри қилишади.

Юнусобод даҳасидаги кўпқаватли уйларнинг тўрт хонаси— бизнинг ҳовлимиз! Бу мўъжазгина «ҳовли»миз борлигини билдиришдан муддаом шуки, уни «Ёш ленинчи»да ишлаб юрган кезларимда олганман. Бу уйда йигирма йилдан бери оиламиз билан умргузаронлик қиламиз! Йигирма йил ичида ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, ниманики йўқотган бўлсам — ҳаммасига мана шу уй ва хонадонимиз соҳиблари шоҳид! Бу уйда йигирма йилдан бери даврид-даврон суриб, тўйлар қилдик, дўстлар билан ширин-шакар суҳбатлар қурдик, фарзандлар туғилганда суюндик, рўзғор «ғиди-биди»ларини бошдан кечирдик...

Бу уйга турли тоифа одамлар — олимлар ва шоирлар, дўстлар ва биродарлар, санъаткорлар ва амалдорлар, устозлар ва шогирдлар, илмитолиблар ташриф буюришган. Уларнинг тонготар ва дилтортар суҳбатларига эрк берилган.

Гап очилди, яхшиси «Ёш ленинчи» билан боғланган тақдир дафтарим саҳифасини бир бошдан варақлай қолай. 1970 йил. Ёзнинг иссиқ кунлари. Беш йиллик талабалик «ҳавойи юришлари»дан асар ҳам қолмаган, бош гангиган. Ўқишни битириб, ўз соҳасида ишламоқчи, айниқса, Тошкентда қолмоқчи бўлган кечаги талаба-журналистнинг аҳволини шу ташвиш бошига тушган одам чуқурроқ ҳис қилади.

Туғилиб ўсган қишлоққа кетайми, Тошкентда қолайми, деб икки ўт орасида ёниб-куйиб юрган кунларимнинг бирида диплом иши раҳбарим, ҳозир Сирдарё педагогика институти кафедра мудири, филология фанлари доктори Анқабой Кулжонов «Ёш ленинчи» рўзномаси муҳаррири ўринбосари Мухтор Аҳмедов ҳузурига бошлаб борди. Учтовимиз муҳаррир Рустам Шоғуломов хонасига кирдик. Талабалик йилларимда рўзнома ва жаридаларда босилган материаллар солинган бўлимли папкани — «суянган тоғим»ни муҳаррир олдига қўйдим. Анқабой ака «шогирд»ини мақтай кетди. Рустам ака ҳам яхши кайфиятда экан, дарров папкадаги «ижодим»ни кўздан кечириб, бўлим мудирлари Муҳаммаджон Қўшоқов, Карим Раҳимов, Маҳкам Раҳмонов, Жўра Саъдуллаев, Тожибой Ўринбоев, Турғун Авазов, масъул муҳаррир Абдуворис Абдумажидов суҳбатидан ўтишимни айтди. Олдинги йил ишлаб чиқариш практикасида кўз сингишиб қолгани учун «суҳбат»дан ўтиш осон кўчди, ҳаммаси розилик қоғозига имзо чекиб беришди.

Шундай қилиб, меҳнат дафтарчамнинг биринчи саҳифасида «Ёш ленинчи» рўзномасининг адабий ходими, деган илк ёзув пайдо бўлди. Бу ёзув ҳамон кўзимга олтин суви суртилган зарҳал ҳарфлардек ярқираб кўринади... Бу сатрларни ёзишдан муддаом шуки, 70-йилларда муҳаррир бўлиб ишлаган Рустам Шоғуломовдан кўп яхшиликлар кўрдим. Ҳаётимнинг ўша йилларига тушкинлик, маъно бағишлагани учун ундан бир умр миннатдорман! Аввало, Рустам ака ҳеч қандай яширин илтимоссиз, пинҳона қўнғироқларсиз нотаниш бир ўсмирни ишга олиб, унга ишонч билдирди, ҳаётда ўз йўлини топишга кўмаклашди. Бу гапларимда ҳеч қандай ихтилоф, муболаға, баландпарвозлик йўқ! Қолаверса, у уйланаман деганимда моддий ва маънавий кўмак берди — 1971 йил ёзда тўй бўлди. Яшашга уйим йўқ, деганимда уй олувчилар навбатига қўйди — 1972 йил уйли-жойли бўлдим. Билимимни ошираман, ўқийман, деганимда — марҳамат, нима ёрдам керак бўлса айтаверинг деди — 1973 йил аспирантурага жўнатди! 1975 йил номзодлик диссертация ёқлаганимдан сўнг иш тополмай «кўчада қолганимда» ўзингнинг эски «кисниқ» жойинг, ишлайверасан, деб редакцияга қайтариб олди.

1971 йил. Шоир Абдулҳай Носиров билан комсомол турмуши бўлимида ишлардик. Ёзнинг иссиқ кунларида бўлим мудиримиз Жўра Саъдуллаев иккковимизга ҳам меҳнат таътилига чиқишга рухсат берди. Яккабоғда ота-онам мени уйлантириш тараддудини кўрарди. Абдулҳай билан бирга қишлоққа жўнадик. У ўн беш кун менинг ёнимда юриб, тўйга қарашди — совчига ёрдамчилик қилди, комсомолча тўй бизнинг қишлоқларда энди расм бўлаётганди, шунга столстул ясади, шеърлар ёзди. Яккабоғ дарёсида мазза қилиб чўмилдик. «Ёш ленинчи», сендан шунинг учун миннатдорманки, сенинг бағрингда Абдулҳай Носировдек дўст топдим. Абдулҳай бизни — ёш келин-куёвни Тошкентга —янги ҳовлисига кўчириб олиб келди. Бир муддат бу ҳовлида яшаб турганимда Абдулҳайнинг ота-онаси, бувиси, ака-укалари, келин ва келинойилари биздан ширин сўзини, гоҳида бир бурда иссиқ нонини аямади...

Рўзнома муҳаррири ўринбосари Турғун Авазов бошчилигида бир гуруҳ журналистлар Қашқадарё вилояти Яккабоғ ноҳиясининг чекка қишлоқларидан бири Култепага боришган эди. Шу пайтгача ҳали бу ерларга журналист деган зотлардан бирортасининг қадами тегмаган эди... Бир нарса етиб, бир нарса етмаган камтаргина тўй бўлди. Куй ва қўшиқ янгради. Яхши ниятлар айтилди. Гап орасида Турғун Авазов яхши ниятга қўшиб осма соат совға қилди. Соат ойнасида шундай ёзув бор эди: «Ғулом Ғафуров! Сизга бахт тилаймиз! «Ёш ленинчи» коллективи. 1971 йил 7 август». Бу соат ўшандан бери уйимиз тўрида муқаддас суратлар ёнида тиним билмай «чиқ-чиқ»лаб ишлаб туради.

Бу соат йигирма йилдан бери оиламиз соҳиблари умр лаҳзаларини вақт тарозусида ўлчаб боради. Яратганга, тақдирга минг шукрки, омад кулиб боқди, тўрт ўғил-қиз туғилди. Ҳозир ўша бир умр эсдан чиқмас дамларда — Мубораххон билан никоҳ тўйимиз дастурхони тепасида бизга бир умрга совға этилган осма соат ва унга қўшиб айтилган устоз ва дўстларнинг истак ва тилаклари, қутлов ва ниятларини хўрсиниб эслаймиз!

«Ёш ленинчи», сендан шунинг учун бир умр миннатдорманки, сен ҳадя этган ўша соатга қарай-қарай ўтказган йигирма йиллик умримдан нолимайман — хурсандчилик кунларим кўп бўлди, шу соатга қарай-қарай, эр-хотин иккимиз яна яхши кунлардан умидвор бўлиб бу дунёнинг бир олам ташвиш юкини елкамизга ортиб елиб-югуриб юрибмиз.

«Ёш ленинчи», сендан шунинг учун миннатдорманки, сенинг иссиқ бағрингда бир гуруҳ устозлар билан танишдим, улар билан бирга ишлашга муяссар бўлдим. Раҳматли Муҳаммаджон Қўшоқов билан орамизда ўтган «хабар» воқеаси ҳеч эсимдан чиқмайди. «Кўз очиб кўрган» устозинг билан нима бўлган эди, дейсизми? 1970 йил 5 сентябрда — ишга қабул қилинган бўлсам, икки кун кейин. Сурхондарёга командировкага кетдим. Сурхон-Шеробод чўлқуварлари ҳақида лавҳалар ёзиб, келишим керак эди. Бир ҳафтада ўнтача ён дафтарни қоралаб, катта «юк» билан қайтиб келдим. Ўша куни рўзномага Муҳаммаджон ака навбатчи экан, зудлик билан Сурхондарё вилоят комсомол қўмитаси Пленуми бўлиб ўтгани ҳақида номерга хабар туширишимни айтдилар. Хабар жонивор тўрт «қоғоз» бўлди. Муҳаммаджон ака «хабар» деган ярим қоғоздан ошмайди, деб қайтиб бердилар. Роса қисқартириб, икки «қоғоз»га олиб келдим. Яна қайтиб бердилар. Охирида бир «қоғоз» қилиб олиб бордим. Муҳаммаджон ака ёвқараш қилди. Унинг бу қарашидан «Масхара қилаяпсанми, ука!», деган маъно уқдим ва қора терга тушиб кетдим. Хабар тўртинчи ишловда рисолага келди. Ўшанда, дорилфунунда ўқиб юрганимда «хабар» назариясидан яхши хабардор бўлмаганимни англаган эдим...» Раҳматли Муҳаммаджон ака материалдан кўнгли тўлмаса афтини буриштириб, бир ёвқараш қиларди. Бу ҳар қандай ўгит-насиҳатдан ўткир «дори» эди...

Раҳматли Собиржон Жўраев баёвгина, беозор, ҳазил кўтарадиган ажойиб одам эди. У киши билан ҳамма ҳазиллашарди. Бир гал уйга деб олган ўттизта тухумни тўрхалтага солиб, дераза ушлагичига осиб қўйдилару, бир жойга бир соатга бориб келаман, деб шошиб чиқиб кетдилар. Ҳазилкаш Жўра Саъдуллаев электр чойнакда тухумларни қайнатиб, еймиз, деб қолдилар. Мирзакарим Пирматов буни маъқуллади. Хуллас, олти-етти киши ўттизта тухумни паққос туширдик. Тухум пўчоқларини Собиржон ака столи тагидаги қоғоз ташланадиган резина пақирчага тўкдик... Собиржон ака қайтиб келиб, кечгача ишлади ва қилиғимизни сезмади. Уйга кетар олдидан тухумни излаб қолди. Сўнг резина пақирчадаги тухум пўчоқларини кўриб, ялт этиб ёнидаги Жўра акага қаради. Жўра ака мийиғида кулиб турарди. Собиржон ака ҳаммамизга қараб «Тухумни ким еган бўлса, эртага тухум туғади...» деди. Шарақлаб кулиб юбордик... Жўра ака, Мирзакарим кўп ҳазиллашарди. Улар ўртасида ўтган беғубор ҳазилларнинг ўзи битта катта достон. Собиржон ака бевақт вафот этганда энг кўп йиғлаган ҳам Мирзакарим эди. Э, ажойиб одам эди-да, Собиржон ака! Ҳаётда бахтдан тинмади, эсиз ёш кетди-да!!!

«Ёш ленинчи»да кўз очиб кўрган устозларимдан бири Жўра Саъдуллаев бўлди. Ундаги тезкорликка ҳавасим келарди. У киши комсомол турмушида бўлим мудири, мен адабий ходим бўлиб ишлаган кезларимизда сермаҳсул ижод қилганмиз. Расмий ҳисобланган бу бўлимга деярли хат-хабар келмас, бошқа бўлимлар ҳисобидан тўлдириб ташлардик. Жўра Саъдуллаев кенг қамровли, ЭҲМдай ишлайдиган қаламкаш. Бир ҳафтада бир марта командировкага чиқмаса, зерикиб қоларди. Мени ҳам «дала»га қўзғарди. У кишининг сайъи-ҳаракатлари билан икки йил ичида жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятлари, ноҳияларидан тортиб қишлоқларигача айланиб чиқҳанман. Тақдирга минг шукрки, ўша икки йиллик «саёҳат» таъмини йигирма йилдан бери «хўроз қанд»дай шимиб юрибман...

Ўша йиллари рўзноманинг тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири Саидакром Саидвалиев биз ёшларнинг энг яқин кишимиз, маслаҳатгўйимиз эди. Тўғрисўзлиги, камтарлиги, меҳнатсеварлиги билан ҳаммамизни ўзига мафтун этарди. У кишининг маслаҳати билан Тўра Норбоев Сурхондарёнинг «Ленин байроғи» рўзномасидан Тошкент вилояти комсомол қўмитасига ишга келди. Кўп йиллар Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасида матбуот секторида ишлади. Ҳозир Ўрта Осиё педиатрия институтида кафедра мудири. Бундай мисолларни ўнлаб келтиришим мумкин. У кишидан ўзим жуда кўп маслаҳат олганман...

Журналист ва моҳир таржимон Абдуворис Абдумажидов рўзноманинг масъул котиби сифатида «ариқнинг бошида» ўтирар, материалимизни тезроқ «саҳифа» қилиш учун у киши билан «ёқа бўғишар», талашганимиз талашган эди. Абдуворис ака бизга Чехов ва Абдулла Қаҳҳорнинг қисқа ёзиш ҳақидаги ўгитларини тез-тез эслатар, материалларимизни анордай сиқиб сувини чиқаришни маслаҳат берар, биз эса унга амал этмасдик. Тежамкорлик бўйича Абдуворис ака бир нарсада ўрнак, масалан, унинг бир қоғоз материали машинкада тўрт қоғоз бўларди... Турғун Авазов, Мухтор Аҳмедов, Карим Раҳимовнинг таҳрири ва таржимонлигига ҳавасимиз келарди. Бу уч инсонни онаси меҳнат учун туққан, дегим келади. Ҳозир Турғун ака «Тошкентдан гапирамиз»да, Мухтор ака «Ўқитувчи» нашриётида ҳамон белида қайишни маҳкам боғлаб, меҳнат уловининг жиловини қўлдан бермай келаяптилар...

Карим ака Раҳимов «Прима»ни бурқситиб, хонани кўк тутунга тўлдирар ва муҳаррирдан дакки эшитаверарди. Бизларга қараб: «Пластинка айланиб турганда ишлаб қолиш керак!» дер, «Пластинка айланиб тургани нима?» деб сўрасак, «Куч-қувват, шижоат» деб қўярди. Карим Раҳимов ҳамон мўйсафид қаламкаш сифатида «Прима»ни бурқситиб тутатиб, «пластинкани айлантириб», ёшларга бўй бермай ишлаб келмоқда.

Маҳкам Раҳмонов саноат темасида қизиқарли материаллар ёзарди. Завод ва корхоналарнинг аксарияти пойтахтда жойлашгани, «ишчи замондошлар» ҳар доим оёқ остидан топилгани учунми, Маҳкам вилоятларга командировкага боришни ёқтирмас эди. Бирон нарсадан жаҳли чиқса бурнигача қизариб кетар, Абдуворис ака унинг жиғига тегишни хуш кўрарди. Муқаддас Абдусаматова «Адабиёт ва санъат», «Дугоналар», Тожибой Ўринбоев «Ватан фарзандлари» саҳифаларини мароқ билан тайёрлар, бизни «ўқишли» материаллар билан қатнашишга ундардилар. Муқаддас опа «Ойбек публицистикаси» деган диплом ишимдан боблар эълон қилишга кўмаклашдилар. Бу мақолалар аспирантурага киргаримда реферат ўрнида қабул қилинди.

«Ёш ленинчи» сендан шунинг учун миннатдорманки, иссиқ бағрингда дилдош, сирдош дўстлар орттирдим: Жаббор Раззоқов саноат мавзусидаги материаллар ва суратларни уюб ташларди. У ишчан журналист, фотоҳаваскор ва ҳазилкаш дўст эди. Мирзакарим Пирматов лавҳа ва очеркнинг «пири» эди. Бир ўтиришда ёзиб ташлайверарди. Чўлқуварлар ҳақидаги лавҳа ва очерклари деярли ҳар куни босиларди, Шариф Холмуродов камгап, «камҳосил» бўлса-да, пишиқ иш қилар, Тошпўлат Файзуллаев эса «пашша»дан «фил» ясашга устаси фаранг, навбатчилик юмушларида дангасароқ эди...

Абдулҳай Носиров, Сабриддин Садриддинов журналистиканинг «қора» ишидан кўра шеър, Олим Отахонов эса ҳикоя ёзишни афзал биларди. Қўша-қўша шеър ва ҳикоялар тўпламлари чоп этилган бу азаматлар кўп йиллардан бери Ўзбекистон радиосини гуллатиб юрибдилар. Тўлқин Ўкибоев мусаҳҳиҳанинг «отаси» эди. Ҳозир Ўзбекистон телевидениесининг «ота»ларидан бирига айланган.

Бутун ҳаёти ва ижодини болаларга бағишлаган, бу мавзуда қўша-қўша китоблар ёзган Эркин Маликовнинг беғубор инсоний самимиятидан ҳаммамиз баҳраманд эдик. Тарғибот-ташвиқот бўлимининг ўша йиллардаги оғир юкини Аҳмаджон Мелибоев тортарди. Аҳмаджон суяк-суяги билан журналист эканини ҳар бир ёзган материали билан исбот этар, рус тилини пухта биларди. «Чингиз Айтматов публицистикаси» деган диплом ишидан боблар эълон қилганда рўзномада байрам бўлиб кетган.

Спорт, ҳарбий ватанпарварлик — Сафар Остонов ижодининг бош мавзусидир. Жўра Саъдуллаев уни ижодга ундаб, «туртиб» турарди. Сафар барибир «комсомол турмуши»га ярамади. Улоқни спорт ва қонунбузарлар билан бўлган кўпкарида илиб кетди... Зиёвуддин Ортиқхўжаев қишлоқ хўжалигида қўшиб ёзишларни тугатаман, Зайниддин Рихсиев ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайман, масъул котиб Турғун Назаров ва унинг ёрдамчиси Рустам Шаропов: «Материални ё қисқартиринг, ё янаги сонга қолади, боржўғи 100 йўл жой бор!!!» деяверибб, сочлари оқарай-оқарай деб қолди...


Мирзакарим Пирматовнинг катта қизи туғилганда рамзий маъно ва арзонлигини кўзлаб сопол лаган совға қилганмиз. Табрик хатига «Мирзо! Қизингизнинг ризқ-насибаси ҳамиша бутун бўлсин!», деб ёзиб қўйдик. Яқинда Мирзакарим айтиб қолди: «ўша совға лаганни авайлаб-асраб юрибмиз. Қизим Тошкент дорилфунунининг шарқ куллиётида араб тили бўлимида таҳсил кўраяпти. Насиб бўлса, тўйга келасизлар, ошни ўша лаганда еймиз!»

Дўстим Мирзо! Мен ҳам айтиб қўяй! Сизникидаги лагандан бизнинг уйда ҳам иккитаси бор! 1975 йил диссертация ёқлаганимда совға қилинган бу чинни лаганларнинг ўртасига «Ёш ленинчи» 50 йиллиги» деб ёзиб қўйилган. Ўн беш йилдан бери хонадонимиз соҳиблари, меҳмонлар билан бирга ана шу лаганда ош еймиз! Паловхонтўранинг охирги ошами олинганда «Ёш ленинчи» 50 йиллиги» деган ёзув кўриниб қолади. Меҳмонлар бу ёзувни қизиқсиниб ўқий бошлайди. Шунда мақтаниб қўяман: «Улуғ меҳмон, ҳеч ажабланманг! Сиз меҳмон бўлиб ўтирган мана шу дархона — уйни ҳам, «Вақт бевақт меҳмон бўлиб келаверинг, хуш келибсиз» деб турган девордаги ҳов анови осма соатни ҳам, ошини ошаб бўлганимиз мана шу атлас гулли жуфт чинни лаганни ҳам оиламизга «Ёш ленинчи» рўзнома жамоаси ҳадя этган...»

Ғапни калта қилиб, КАМОЛОТ ГЎШАСИ, ёхуд газета... уй, соат, лаган ва ўзим ҳақимдаги воқеаларнинг баъзи тафсилотларини ёзишдан муддаом шуки, дўстларим бизникига меҳмон бўлиб келинг! Уйда мазза қилиб ўтирамиз, гурунглашамиз. Ўша осма соатни ҳам кўрсатаман. У бизга халақит бермайди, балки гурунглашадиган айни вақт, умрни маъноли ўтказинглар, деб ҳар замонда «жанг-жунг» қилиб қўяди. Уйимиз бекаси ош дамлайди, ўша атлас гулли чинни лаганларда ош сузиб келади, мазза қилиб еймиз, бир-икки ошам паловни бир-биримизга ошатамиз! Қадимий одатга кўра ош ошатиш — дўстлик, биродарлик, ишонч белгиси! Фарзандларим кўк чой дамлаб келади. Қўлни кўкракка қўйиб кўк чой узатиш — ўзбекларнинг меҳмондўстлик, бағрикенглик, кўнглиочиқлик белгиси!..

Ғулом ҒАФУРОВ,
филология фанлари номзоди.

Хориждан хабарлар



Яқинда Хельсинкида дизайнерларнинг халқаро кўриги бўлиб ўтди. Финляндиянинг йирик саноат концерни «Несте» томонидан уюштирилган бу кўрик «Пластмасса — эртанги кунга» шиори остида ўтди. 35 мамлакатдан келган дизайнерлар 600 га яқин маҳсулотни тақдим этишди. Япониялик Ясухиро Кира саксофоннинг энг янги модели учун кўрик ғолиби бўлди.

СУРАТДА: пластмассадан ясалган «Оффскейтер» — пойабзал велосипед. У ҳар қандай йўлда асқотади.

ТАСС суратлавҳаси.

ЖЕКСОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

САН-ФРАНЦИСКО. Қўшма Штатларнинг таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Жесси Жексон чоршанба куни қора танли аҳоли тараққиётига кўмаклашувчи миллий уюшманинг Лос-Анжелесдаги 81-съездида сўзга чиқиб, президент Жорж Бушга мурожаат этди ва уни Америка Қўшма Штатларидаги фуқаролар ҳуқуқлари учун кураш ҳаракатининг раҳбарлари билан учрашув ўтказишга чақирди.

Бундай учрашув, деб ҳисоблайди Америка негрларининг раҳбари, Америка шаҳарлари ҳамда қашшоқликда кун кечираётган қишлоқ хўжалик ноҳияларига иқтисодий ёрдам режаларини ишлаб чиқишга кўмаклашган бўлур эди. Жексон инвестиция банки тузишни таклиф этди. Бу банк инфраструктурани, якка тартибдаги савдо-сотиқни ривожлантириш, Америка камбағал фуқароларига бериладиган таълим сифатини яхшилашга заёмлар бериши ва бунинг эвазига жуда кам фоиз ҳақ олиши мумкин бўлур эди.

ЎЗИБ КЕТДИ

ЛОНДОН. Британия лейбористлари халқ орасида машҳурлик жиҳатидан ҳукмрон консерваторлар партиясидан 16 фоиз ўзиб кетди. «Гардиан» рўзномасининг буюртмасига мувофиқ охирги марта ўтказилган жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижалари шундан далолат бермоқда. Улар оралиғидаги фарқ июнь ойида ўтказилган худди шундай сўров натижаларига нисбатан 3 фоиз камайган.

Ҳозир британияликларнинг 51 фоизи лейбористларни, 35 фоизи консерваторларни, 8 фоизи либерал демократларни, 4 фоизи «кўкатпарварларни» ва 1 фоизи Шотландия миллатчиларини қўллаб-қувватламоқда.

Сўраб билиш натижалари мамлакатда қаҳр-ғазабни кучайтирган жон бошига солиқ жорий этилган давр —март-апрель ойларида қайд қилинган энг юқори даражага нисбатан лейбористларнинг халқ орасидаги машҳурлиги бир мунча пасайганлигини тасдиқламоқда.

СОВЕТ САВДО КЎРГАЗМАСИ

ПЕКИН. Гонконг савдо-саноат доираларида бу ерда очилган биринчи совет савдо кўргазмаси муҳим воқеа сифатида баҳоланмоқда. У Гонконг билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик учун кенг имкониятлар яратади. Кўргазмага металл буюмлар, кимё саноати маҳсулотлари, электроника, бинокорлик материаллари, гонконглик муқаррар шерикларимизни қизиқтириши мумкин бўлган саноат маҳсулотларининг бошқа турлари қўйилган.

Гонконг савдога кўмаклашиш кенгаши, кўргазма мутасаддиси ана шу тадбир бошланиши арафасида «Совет Иттифоқи билан қандай савдо қилиш керак» мавзуида семинар ўтказди. Гонконг вакиллари талаб-эҳтиёжни ўрганиш мақсадида Хитойнинг СССР билан чегарадош Хэйлунцзян вилоятида яқинда ўтказилган халқаро ярмарка ишида ҳам қатнашдилар.

(ТАСС).

Бепоён менинг Ватаним



МОСКВА КЎЧАЛАРИДА

Москвадаги энг оммабоп рўзномалардан бири — «Московский комсомолец» Совет ёшлари куни рўзнома байрамини уюштирди. Бу шундай байрамларнинг тўртинчисидир. Шодиёналар ўтказилган жой — Лужники, бундай катта тадбирни ўтказишга бел боғлаган рўзнома журналистларига ўз ҳурматларини билдириш учун келган минглаб москваликлар билан тўлди.

Яқинда ёшлар нашри саҳифаларида «ажойиб оилавий дам олиш, бутун Москванинг диққат эътиборида бўлган кишилар билан қизиқарли учрашувлар» ҳақида ўқиган бир ярим миллиондан ортиқ обуначиларнинг ишончи оқланди. «Московский комсомолец»нинг оғзаки сонида 35 ойнасўзининг барчасига кенг ўрин берилди.

Лужникидаги хиёбон майдонлари бу кун «XXI аср интеллекти» фондидан иқтидорлиларни қидирувчилар ва спонсорлар, норасмий нашрларни сотувчилар, анархист-синдикалистлар, эътироф этилган ва этилмаган шоирлар, қўшиқчилар, «Сатира ва юмор» ойнасўзи мухбирлари-ю, меҳмонлари билан гавжум бўлди.

Москва дарёсининг қирғоғида жойлашган «Старт» қаҳвахонаси ҳали бизда унча кенг тарқалмаган «Дартс» ўйини бўйича мусобақалар уюштирди. Лужникининг ўзида эса «Ласковий май» дастаси садолари остида «Московский комсомолец» гўзали» кўриги ўтказилди. Болалар шаҳарчасидаги спорт майдонида «Спартак»чилар ва москвалик артист, журналистлар билан бўлган чарм тўп мусобақасида профессионал футболчилар ғолиб келишди.



Байрам шодиёнаси кеч тушгунча давом этди, кейин катта спорт аренасида «Кино» дастаси, Жоанна Стингрэй, Си-Си Кэтч сингари мусиқа юлдузлари концерт қўйишди.

* * *

Москванинг бошқа жойида — Қизил майдонда Лондон кўчаларини назорат қилиб юрувчи машҳур «Дискавери» машиналарида инглиз полициячилари пайдо бўлишди.

Антиқа делегация ўн кишидан: констебллар ва изқуварлардан иборат. Гуруҳ бошлиги — Лондон Қироллик полициясининг жамоатчилик билан алоқалари бўйича катта супер-интенданти Жон Бэлл.

Сирни очиб айтсак — англиялик полициячилар халқ депутатлари Октябрь ноҳия шўроси ижроия қўмитасининг меҳмонларидирлар. Улар Москвага ноҳия милиция бўлими, ГАИ фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида ташриф буюришган.

●

СУРАТЛАРДА: (ўнгда) «Московский комсомолец» рўзномаси байрами кишилар ёдида узоқ қолади; (чапда) Англия полициячилари Қизил Майдонда.

А. СОЛОВЬЕВ,
А. ШОГИН.
(ТАСС) суратлари.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КОМПЬЮТЕР БАШОРАТ ҚИЛАДИ

◎ ЛОС-АНЖЕЛЕС кўчаларида одатдан ташқари автомобиллар пайдо бўлди. Тўғри, ташқи кўринишдан улар бошқа автомобиллардан фарқ қилмайди, лекин унинг хусусияти...

Автомобилга компьютер ўрнатилган бўлиб, шу дамда қайси кўчаларда транспорт «тиқини» мавжудлиги ҳақида ҳайдовчига олдиндан хабар беради ва шу билан бирга манзилга тезроқ етиш учун энг яқин ва бўш кўчалар йўналишини кўрсатади.

АҚШ транспорт вазирлиги «Патфайндер» компьютер системаси билан жиҳозланган бундай автомобилларни ҳозирча синовдан ўтказмоқда.

20 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ЎЗГАРИШ

● АМЕРИКАЛИК аёллар ўз эрлари ҳақида қандай фикрда? Умуман яхши эмас. Бундан 20 йил муқаддам, яъни 1970 йилда тарқатилган анкетага АҚШ аёлларининг 66 фоизи ўз эрлари ҳақида «жуда хушмуомала, мулойим, сахий, диққат-эътиборли» деган фикрларни билдиришганди.

Эндиликда эса худди ўша анкетага аёлларнинг 60 фоизи олдинги фикрларига қарши акс жавоб беришган, яъни «худбин, шаҳвоний бузуқ»ликда айблашган.

Хўш, фикрлар ўзгаришининг сабаби нимада экан? Социологларнинг фикрича, бунинг сабаби аёлларнинг ҳурликдалиги экан. Чунки кўп аёллар ўз ишларида катта шуҳратга эришмоқдалар. Бундай шуҳратга, мартабага эришолмаган аёллар эса уларни эркакларга «ҳимматли»ликда айблашмоқда. Бу эса ўз навбатида аёлларнинг ўз эрлари ҳақидаги фикрини ўзгартириб юбормоқда.

ЧАНА ЎРНИГА ЯПРОҚ

● ПОЛИНЕЗИЯНИНГ шарқий қисмидаги Туамоту оролидагилар чана ўрнига пальма япроғини ишлатишади. Япроққа яхшилаб ўрнашиб, унинг бандини маҳкам ушлаб олса бас, қумтепаликлардан елдек учиб тушаверади.

Қизиғи шундаки, ороликларнинг энг севимли машғулоти «япроқ чана»да учиш. Улар ҳар йили спортнинг бу тури бўйича мусобақалар ўтказишади, деб хабар беради Чехословакиянинг «Хоризонт» жаридаси.

ЎЗ ҚЎШИҒИНГ БЎЛСИН



Болаликда қўшиқ айтмаган борми. Ҳамма айтган, айтади. Аммо ҳамма ҳам қўшиқчи бўла олмайди. Аввало табиат ато этган овоз керак, кейин қалб. Эҳтимол энг аввало қалб керакдир. Уларни юзага чиқариш, элга кўрсатиш учун эса меҳнат зарур.

Қўшиқчилик ҳақида Жўрабекнинг фикри ана шундай. Унинг ўзи ҳам мактабда ўқиб юрган кезлари тўгаракка қатнади. Тенгдошлари қатори Фахриддин Умаров, Комилжон Отаниёзов, Олмахон Ҳайитоваларнинг қўшиқларини машқ қилиб юрди. Ўрта мактабни тамомлаб Қарши маданият техникумида ўқиди. Ўша пайтларда ёдида қолган энг қувончли воқеа «Зеҳн», «Биз Қашқадарёданмиз!» телекўрсатувларида қатнашди. Гарчи у ўшанда гуруҳ сафида қўшиқ айтган бўлса-да, жуда руҳланган эди.

Устоз кўрмаган шогирд кўп адашади. Керак, нокерак, бошиберк кўчаларга кириб қолиши мумкин. Жўрабек ҳам ўз йўлини топгунча анча қийналди. Тошкент Давлат маданият институтига ўқишга киргач, санъат нималигини англаб борди. Устозлари — Фахриддин Ашрафхўжаев, Раҳимжон Исмоиловлардан сабоқ олди. Кейинчалик бастакорлар Раҳматжон Турсунов, Жўрақул Шукуров, Ҳаким Нишонов унинг овозини чархлашларига катта ҳисса қўшишди.

Устозлари уни тақлидчиликка берилишига йўл қўйишмади. «Яхшими, ёмонми ҳар кимнинг ўз қўшиғи бўлсин», дейишди улар. Жўрабек ёш шоирлар ижодларидан шеърлар танлай бошлади. Асқар Қосимовнинг «Хайр дема», Нурулло Остоновнинг «Қайтолмасман», Умида Абдуазимованинг «Тани нозик ёр», «Севимли дилдор» сингари шеърлари унинг ижросида куйлана бошланди.

Жўрабек Рўзиев ҳозир Орджоникидзе ноҳиясидаги «Дўстлик тароналари» ашула ва рақс халқ дастаси хонандаси. Унинг қўшиқлари эндиликда радио ва телевидение орқали жаранглашмоқда.

— Ҳозир Умида Абдуазимованинг янги шеърларини куйга солаяпман, — дейди у. — Яхши шоирларимиз, яхши шеърларимиз бор. Фақат уларнинг мағзига мос куй, услуб топиш керак.

...Ёш хонанда янги қўшиқлар излаяпти. Ҳар ҳолда ҳар кимнинг ўз қўшиғи бўлгани яхши.

СУРАТДА: Жўрабек Рўзиев ўз устози Ўзбекистон ССР халқ артисти, бастакор Ҳакимжон ака Нишонов билан.

Муҳаммад АМИН сурати.

Театр

ФОҲИШАЛИК... АЙБ ЭМАСМИ?

Сарлавҳани ўқибоқ ранжидингиз-а? Елка қисаяпсиз: «Нима демоқчи ўзи бу?». Жавобнинг ҳожати йўқлигини ҳам биласиз... Тўғри кимга қандай ботади бу тахлит томдан тараша тушгандай айтилган гап: Унда гиёвандлик-чи? Нега жимсиз? Балли ҳеч кимни бу бедаво дардга йўлиқтирмасин. Ушбу боши берк кўчага кирганларнинг соғ-саломат қайтиши даргумонлигини ҳам яхши биласиз.

Афсус... Кейинги пайтлар шу нарсага рўжу қўйган, инсоний қиёфасини балчиқлаган, ахлоқсизлик ботқоғида тубанлашган ёшлар гуруҳчалари кўпайиб бормоқда. Ё тан олмайсизми?

Шаҳри азимнинг хилват кўчаларида, узун кечалари «овга» чиққан патала соч жувонларнинг лабида сигарет бурқситган кўйи аланглашини кўрсангиз-да, жирканиб эътибор бермаганга олгансиз, ўзингизни. Менми? Кўзим тушган. Негадир раҳмим келган уларга. Ачинганман, очиғи. Умрнинг гул фаслини хазон айлашдан ортиқ кўргулик бўлмаса керак. Ўз танини пуллаш эвазига тирикчилик кўришга нима мажбур этдийкин уларни? Ширин жонга аччиқ наркотик моддани раво кўришга-чи?

Жавоб лўнда. Енгил-елпи яшашга мойиллик. Болаликдан тарбияга муҳтож ўсганлик. Қолаверса, Сизуменинг ҳаммамизнинг инсон қисматига бефарқлигимиз...

Фоҳишалик ва гиёвандлик... Ифлосликда қолишмайдиган, бир-бирини ямаб-сиқтаб тўлғазгувчи тушунчалар... Чиркинлик сари етакловчи ягона йўл.

Кейинги пайтлар кўплаб ижодкорлар назаридан четда қолмаяпти бу фожиали мавзу. Баҳоли қудрат ёритилмоқда.

«Карим, мол эмасман, одамман-ку, ахир».

«Бу тузоққа тушгунингча одам эдинг, Лобар!».

Йўлдош Охунбобоев номли жумҳурият ёш томошабинлар театрида намойиш этилган Тўлқин Муҳиддиннинг «Адашганлар» пьесаси қаҳрамонлари ана шундай сўзлашади. Саҳнага термулган томошабинлар қалбида эса ачиниш ҳисси уйғонади, шўрликларга. Начора, аччиқ ҳақиқат олдида чидаш керак.

Муаллиф ҳаёт остонасида турган ёшлар қисматига бефарқ бўлмасликка ундайди. Пасткашона яшаётган айрим ёшларимиз келажаги учун қайғуриш ҳисси ҳар биримизнинг қалбимизни қиймаламоғи лозим. Асардаги асосий мақсад ҳам шу.

Мен «Адашганлар»даги ютуқ ва камчиликлар ҳақида гапирмоқчи эмасман. Бир томошабин сифатида фикрим шу: ҳар ҳолда шу пайтгача ёзилган кўплаб «яшасинчилик» руҳидан узоқда. Аввалдан белгиланган қолипни бузишга ҳаракат қилинган. Энг муҳими ҳаётга теран нигоҳ билан қаралган.

Асарни жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Лутфулла Саъдуллаев саҳналаштирган. Бош ролларни эса Гулчеҳра Саъдуллаева ҳамда Гулбаҳор Дадамирзаевалар маромига етказиб ижро этишган.

Спектакль тугагач режиссёр билан суҳбатлашдик:

— Шу мавзуларда яратилаётган кинолардаги каби очиқ ойдинликка йўл қўймадик. Ёшлар орасида кенг тарқалаётган бузуқчиликни кўрсатиш учун томошабинларимизнинг ҳам ўзбекона кайфиятда келишларини ҳисобга олдик. Шундоғам театрга кирганлар бу ҳолни нечоғлик даҳшатли эканини ўзлари тушунишди, менимча.

Биз бошдан-оёқ сўзламоқчи эмасмиз. Асар ўз номи билан «Адашганлар». Унда ҳар бир киши... Келинг яхшиси ўзингиз кўриб хулоса чиқаринг. Бирор фикр туғилса кейин қўшимча қиларсиз.

Қўчқор НОРҚОБИЛ.
ТошДУ толиби.

Янги шеърлар

БОБО НАСИҲАТИ

Тирик етим қилмоқ болани қийин,
Тишни-тишга қўйиб араванг тортгин.
Икки-учта туғиб бергандан кейин
Қайга ҳам борарди эси бор хотин.
Тер тўкса, ердан ризқ теради одам,
Енасан, кулсан дилдан нечоғлик.
Бола боқиш санъат, кўнгил топиш ҳам,
Бахтли бўлиш эса хотинга боғлиқ.

ОЙ БИЛАН СУҲБАТ

Гоҳ безиллаб дунё ишидан
Бедазорда чалқанча ётиб...
Ўтни юлиб, тишлаб
тишимда —
Бир қучоқ нур зулматга
тортиқ.
Боқаверсам чеҳрам очилар,
Юзингдаги кўкимтир
доғлар.
Гирдда нурли маржон
соқчилар...
Ва сокинлик меҳрингни
боғлар.
Рухсоримдан юз чандон
ёрқин
Заминдасан...
Не керак, қизиқ!
Интизорлик, ҳижрон
фироқи,
Ишқ доғими,
Зулмат,
Ёлғизлик!

Аваз МЎМИН.
Сирдарё вилояти.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



СУРАТДА: пойтахтдаги 27-болалар боғчаси кичкинтойлари.

Сураткаш: Т. ЛУТФУЛЛАЕВ.

Танишинг, конкурс ғолиблари



ИТАЛИЯ '90

Чемпионат тугади. Ўттиз бир кун ойнаи жаҳон қаршисида туриб кўксимиз тўла ҳаяжон билан барча ўйинларни кузатдик. Бирига тан бердик, бошқасидан ранжидик... СССР терма командасининг муваффақиятсизлигидан аламда қолдик. Хуллас, ҳақиқий ишқибоз бошидан кечадиган ҳамма «азоб»ларни кўрдик. Футбол мухлиси бўлиш ҳам осон эмас-да!

Биз жаҳон чемпионати бошланган куниёқ, футбол мухлисларига мурожаат қилган эдик: «Қайси команда жаҳон чемпиони бўлади?», «СССР терма командаси нечанчи ўринни эгаллайди?».

Футбол мухлисларидан мингга яқин мактуб олдик. «Башорат»чиларнинг ёши касб-кори турлича. Жавоб йўллаганлар орасида хотин-қизларнинг борлиги айниқса қувончлидир.

Шундай қилиб, билағонлар ўртасидаги конкурсга ҳам якун ясалди. Ғолиблар 11 киши. Илгари ваъда қилганимиздек, рўзномамиз саҳифасида уларнинг номлари ва суратларини эълон қилаяпмиз (Изоҳ: ғолиблар орасида баъзи суратларнинг рўзнома талабига жавоб бермаганлиги туфайли уларнинг исм-фамилияларини, манзилгоҳларини келтираяпмиз).

Машраб БОБОҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти, Самарқанд ноҳияси, Ленин номли жамоа хўжалиги, 10-синф ўқувчиси.





Комилжон ТОШМАТОВ,
Андижон вилояти, Жалолқудуқ ноҳияси, «Пахтакор» жамоа хўжалиги, 4-бригада, 17-уй.

Одамбой АҲМЕДОВ,
Хоразм вилояти, Хонқа шаҳри, Чкалов кўчаси, 50-уй.





Алимардон ЭШМУРОДОВ,
Тошкент вилояти, Пскент ноҳияси, Пскент 1, 3 бўлим.

Абдуносир МУҲИДДИНОВ,
Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Н. Ниёзов кўчаси, 14-уй.





Қодирхон РУСТАМОВ,
Наманган вилояти, Чуст ноҳияси, Садриддин Айний кўчаси, 20-уй.

Ҳусанбой ҚЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри, Қорақамиш даҳаси, 1/4, 13-уй, 4-хона.

Алишер ОЙНАЗАРОВ,
Туркманистон ССР, Тошҳовуз ноҳияси, Тозабозор посёлкаси, «ВЛКСМ 50 йиллиги» кўчаси, 7-уй.

Шуҳрат РУЗИЕВ, Қашқадарё вилояти, Китоб шаҳри, Алишер Навоий кўчаси 187-уй.

Абдурашид МАҲМУДОВ,
Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Комсомолск посёлкаси, Янги Фарғона кўчаси, 115-уй, 28-хона.

Икром АҲМЕДОВ, Фарғона вилояти, Охунбобоев ноҳияси, «Пахтакор» жамоа хўжалиги, Бўстон кўчаси.

Ой фойдалироқ

Онаси: — Бобби, қайси олмани ейишни хоҳлайсан?

Бобби: — Энг каттасини.

Онаси: — Сен одобли боласан-ку, кичикроғи ҳам бўлар.

Бобби: — Мен одобли бўлишим учун тўғри гапиришим керак-да!

* * *

Ўқитувчи: — Одамнинг кўплик шакли нима бўлади?

Жонни: — Одамлар.

Ўқитувчи: — Боланинг кўплиги-чи?

Жонни: — Эгизаклар.

* * *

Жон: — Қўғирчоғингга гапиришни ўргатганмисан?

Кларк: — Ҳа, ўргатганман, лекин ҳозир унга «жим турасан» дея уқтирганман.

* * *

Ўқитувчи: — Том, иссиқлик билан совуқликнинг қандай фарқи бор?

Том: — Иссиқдан барча нарсалар кенгаяди, совуқдан тораяди.

Ўқитувчи: — Мисол?

Том: — Ёзда кунлар узаяди, қишда эса калта бўлади.

* * *

Жек: — Сенингча, ой фойдалими ёки қуёш?

Том: — Менимча кўпроқ ой фойдали. Чунки қуёш кундузни, ой тунни ёритади.

* * *

Почта хизматчиси Никнинг қўлидаги хатни олиб деди:

— Ахир бу хатинг меъёрдагидан анча оғир-ку. Бунга яна битта марка ёпиштириш керак.

— Нега? — ҳайрон бўлди Ник. — Ахир марка ёпиштирсангиз, яна оғир бўлади-ку...

Инглиз тилидан С. ҲОЖИЕВ таржимаси.

КУРСИ

(Ҳажвия)

ОДАМЗОД нақадар бағри тош бўлмасин, икки ҳолатда: марҳумни сўнгги йўлга кузатиш-у, бирор-бир идорани узоқ йиллар тебратиб келган раҳбарни пенсияга узатишда ғоят кечиримли, фавқулодда меҳрибон бўлиб қолади. Ўртадаги гина-қудуратлар, аччиқ-тирсиқлар барчаси унутилади...

Тўхтабоев вазифасидан кетаётган муассасада ҳам жамоа айни шу ҳолатга тушганди. Тўсатдан чақирилган йиғилишда бошқармадан келган вакил унинг пенсияга чиқаётганини билдирди. Одатдагидек таассуфлар, узр-маъзурлар айтилди. Ниҳоят Тўхтабоев сўнгги сўзини якунлаб деди:

— Жамоадан биттагина илтимосим бор, — у кетида турган курсини суянчиғидан ушлаб четга тортди, — йўқ демасанглар ана шуни эсдаликка олиб кетсам. Янги ўртоқ бари бир бу курсига ўтирмасалар керак...

Бундай ғалати илтимосни кутишмаганидан, ходимлар бир неча лаҳза анграйиб қолдилар.

— Домла, шуни ҳам сўраб ўтирасизми? — деди ходимлардан бири ҳушини йиғиб, — даққиюнусдан қолган курси бўлса... Тўғрими, ўртоқлар?

Уч-тўрт киши маъқуллаган бўлди.

— Раҳмат, ҳамкасблар, катта раҳмат! — Тўхтабоев енгил тортиб кўз жиякларини дастрўмолига артди.

Шу пайт кимдир:

— Дарвоқе, курси идорамиз ҳисобидан чиқарилганмикан ўзи? — деб қолса бўладими?

Ходимлар бирдан ҳушёр тортдилар: бу ёғини ўйлашмабди-ю!

— Эски бўлсаям, давлат мулкида, — луқма ташлади биров.

— Бурноғи йили списат қилинган, — Тўхтабоев шундай дея бухгалтерга ўгирилди, — тўғрими, Маннопов?

Бухгалтер бошини ликиллатиб тасдиқлади. Ходимлар жонланишди:

— Э-э, ундоқ бўлса олам гулистон! Олиб кетаверасиз.

Тўхтабоев миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб оғиз жуфтловди, вакил ундан олдинроқ отни қамчилади:

— Менимча, бу масалада шошмасак. Аввал янги раҳбар тайинлансин, домла унга идорани бор-буди билан топширсинлар... Кейин курси муаммосини ҳал қилиш қочмас...

Орадан беш кун ўтиб янги раҳбар келди. Тўхтабоев хўжаликни унга топшириб бўлгач, ходимлар янги бошлиқ ҳузурига жам бўлишди. Тўхтабоев ўз илтимосини яна ўртага ташлади. Ҳамма янги бошлиққа, у эса курсига боққанча ўйланиб қолди: «Курсини бериш керакми ёки йўқми? Қизиқ, нега энди именно ана шу курсини олиб кетмоқчи? Бунда бир гап бор шекилли...»

— Домла, кўнгилга олмасангиз... шу... Жамоа, яъни ўзимиз бир фикрлашиб кўрсак деймен, — деди оғир ботмайдиган оҳангда, — майлими?

— Бемалол, бемалол.

Тўхтабоев хонадан чиқиши билан ғала-ғовур кўтарилди.

— Шу арзимас нарсага бош қотириб ўтирамизми? Берайлик-қўяйлик, шунга осмон узилиб ерга тушмас!

— Ё курсига бирор нарсани яшириб қўйганмикин-а?

— Курсига яқинроқ ўтирган ходим уни олди-да, тагини, оёқларини диққат билан текшириб, супачасидаги қопламага «топ-топ» уриб кўрди:

— Ҳеч вақо йўғов...

— Тўхтабоев калласини едбими, курсига бойлик яшириб!

Янги бошлиқ ходимларини жимгина кузатар ва тинимсиз ўйлар эди: «Нима сир бўлса экан? Тўхтабоевдек уста одам бу эски матоҳни эсдалик учун олмаса керак? Ҳар ҳолда...»

У бир қарорга келди шекилли, чақиринглар, дегандек ишора қилди.

— Домла, сизни тушуниб турибмиз, — деди у мулоҳаза билан, — сиз ҳам бизни тушунишингизни истар эдик. Курсини шартта бериб юборсак, эртага бирор гапи чиқиб қолмасмикан? Ҳозирги сиёсатни ўзингиз кўриб турибсиз...

Тўхтабоев бирдан чўкиб, синиқ овозда илтижо қила кетди:

— Ҳамкасблар, бу курсида мен ўттиз беш йил ўтирдим. Умримнинг ўттиз беш йилини ана шу курси учун курашга, уни асраб қолишга сарфладим. Усиз бирор кунни ўтказишимни тасаввур ҳам эта олмайман. Кўкноридай ўрганиб қолганман унга! Шуни ҳисобга олиб...

Янги бошлиқ унинг гапини кесди:

— Эҳтимол кейинроқ бу масалани яна ўйлашиб кўрармиз. Хафа бўлмайсизда, домла...

Эртаси куни хўжалик мудири бошлиқ ҳузурига кириб, қўлларини бир-бирига ишқалади:

— Исаҳон Аюпович, массивдаги дўконда финский кресло бор экан. Биттасини сизга атаб олдиртириб келдим.

Бошлиқ унга ажабланиб қаради:

— Кресло? Сизга кресло топинг дебмидим?! Кераги йўқ, мен ана шу курсида ўтираман!

Мудир ҳайрон бўлиб гоҳ курсига, гоҳ унинг суянчиқларини аллақандай меҳр билан силаётган бошлиққа тикилганича қолди...

Маҳмуд СУЛТОНОВ.
Қўқон шаҳри.

ТВ

15 ИЮЛЬ — ЯКШАНБА
МЕТАЛЛУРГЛАР КУНИ

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Кўк қуш». Бадиий фильм. (СССР — АҚШ). 11.40 «Ёш спортчилар мактаби». Кураш. 12.10 «Дўстлик» кўрсатувлари. «Асрлар қаъридан». Қашқадарё вилоятидаги Усмон Юсупов ноҳияси Ульянов номли совхоз меҳнаткашларининг ҳаётидан. 12.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.20 «Алифбо сабоқлари» (такрор.). 13.55 «Депутат ва ҳаёт». Фарғона вилояти депутатлари кўтариб чиқаётган муаммолар хусусида.

● ЎзТВ II
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:
* * *

18.15 Кўрсатувлар тартиби. 18.20 «Қора ёй». Бадиий фильм. 19.45 «Забони мо — чахони мо». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Арзи дил». Давлат Назрий. 22.00 «Ҳафта». Информацион кўрсатув. 22.30 «Балоғатга етганлар учун уй». Бадиий фильм (рус тилида). 23.55 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Здоровье». 12.45 «Мусиқий киоск». 13.15 Д. Биссет эртаклари асосида мультфильмлар: «Аждаҳо ва қизча», «Малина мураббоси». «Унутилган туғилган кун». 13.45 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув. 15.00 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 16.15 Эртаклар ва саргузаштлар оламида. «Малика ва дарё». Телевизион бадиий фильм («Ироқ»). Премьера. 17.50 Шеърият лаҳзалари. 18.00 «Изҳори дил этмоқчиман». 1 ва 2-сериялар («Укртелефильм»). Премьера. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари. 21.15 «Москва — Брюссель антикўприги». 4-қисм. 21.55 «Парнас сари бир босқич». Халқаро телевизион фестивали. Давлат Марказий концерт залидан кўрсатилади.

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.50 «Севги изҳори». Бадиий фильм, субтитр билан. 2-қисм. 8.50 «Она замин ташвишида». туркумидан телевизион ҳужжатли фильм (Ашхобод). 9.10 «Бувиларимиз замонидан қолган». Можайскда бўлиб ўтган фольклор байрами ҳақида ҳикоя. 9.30 Металлурглар кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар. 9.55 «Оила». Телепрограмма. 10.55 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.00 Миллий баскетбол ассоциацияси профессионаллари ўртасида баскетбол бўйича АҚШ чемпионати. 13.00 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги. Эркаклар. Финал. Япониядан кўрсатилади. 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 «ТФ» студияси. 19.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Жимитвой». 19.45 «ТФ» студияси. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан». 21.00 «ТФ» студияси. «Бизнинг дала ҳовли». Телевизион бадиий фильм («Экран»). Премьера.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец»
орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04683.
Д. — 23501